

...Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурият сезила бошлади. Бусиз жамиятимизнинг бирон-бир соҳасини ўзгартиришга киришиб бўлмас эди. Ислохотларнинг тақдир ва самараси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлик жавоб беришига тақалиб қолар эди. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдир авваломбор шу муаммоларни узил-кесил ечиш билан чамбарчас боғланганини ҳар қайси фикрловчи одам англаши қийин эмас.

Шу сабабли ҳам биз ниҳоятда мураккаб, кўп вақт ва кўп маблағ талаб этадиган ана шу вазифани адо этишга киришдик. Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён узоқ йиллар мобайнида бу соҳада талай муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатди. Мен бунга ушбу дастур лойиҳаси устида саккиз ой мобайнида ишлаш жараёнида шахсан амин бўлдим. Шунинг учун ҳам бу оғир, масъулиятли, аммо, ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам-бақадам, изчиллик билан бажаришга бел боғладик.

Ишончим комил: агар бу ислохотни муваффақиятли равишда амалга ошира оласак, тез орада биз ҳаётимизда ажибый маънодаги «портлаш эффекти»га, яъни унинг самарасига эришамиз.

Бу нима дегани?

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуримиз, шу жумладан, ҳали сиз тилга олган икки ҳужжатда назарда тутилган вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар, биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ажибый таъсир қилади ва натижада мамлакатимизда мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезла-



ПРЕЗИДЕНТ САБОҒИ

шадди. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиши керак. Акс ҳолда бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожиаларга, ҳатто ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишига олиб келади. Ўз қадрига, ўз шаънига эга бўлмаган инсон ҳаётда кўп-кўп тўсиқларга дучор бўлади, беқарор ва салбий таъсирларга тез берилади, унинг шахс сифатидаги емирилиши ҳам тез кечади.

Биз жорий этилаётган мазкур таълим модели орқали, аввало ана шу вазиятнинг олдини оламиз. Қолаверса, ёшларни муайян бир ихтисосга эга қилиб, ҳаётга йўлланма берамиз. Дунёга

умид билан қадам қўйиб келаётган навниҳол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушдан, тақдирдан, ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади.

Бу ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган масалалар.

Учинчидан, таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўла- миз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча— ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан,

онгли тарзда, озод ва хур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақириқ-чақириқлар, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди.

Тўртинчидан, таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади. Ва ҳар қайси инсон Оллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун,

оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ баҳшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадик, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшиққан ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар. Мен «портлаш эффекти» деганда айнан шундай ҳолатни назарда тутмоқдам.

“ЖАМИЯТИМИЗ МАФКУРАСИ ХАЛҚНИ-ХАЛҚ, МИЛЛАТНИ-МИЛЛАТ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ ЭТСИН(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам КАРИМОВнинг “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволларига берган жавоблари)”дан.

Жорий йилнинг 28-29 июнь кунлари Ватанимиз пойтахти — Тошкентда Республика ўқитувчиларининг биринчи анжумани бўлиб ўтади. Унда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг биринчи босқичи натижалари таҳлил этилиб, иккинчи босқич вазифалари белгилаб олинади.

Ушбу махсус сонимиз ана шу анжуманга бағишланади.

Анжуманда 792 нафар вакил қатнашади. Вакиллар таркибини мактабгача таълим муассасаларидан 67 нафар, умумтаълим мактабларидан 535, мактабдан ташқари таълим тизимидан 28, академик лицей ва касб-хунар коллежларидан 51, олий таълимдан 60, ҳокимият вакиллари 16, касаба уюмларидан 10, тadbirkor ҳомийлардан 2 ва таълимни бошқариш уюмларидан 22 нафар таълим фидойилари ташкил этади.

Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаси 6742 та, тарбияланувчилар 608500 нафар, 65862 нафар педагог, тарбиячи ва бошқа ходимлар мавжуд. 584 та мактабдан ташқари таълим муассасасида 504885 нафар ўқувчи тугарақларга тортилиб, уларга 14205 нафар мураббий устозлик қилмоқда. 9661 та умумтаълим мактабларида 440762 нафар ўқитувчи 5.992.364 ўқувчига тахсил бермоқда.

Бу йил ўқувчиларнинг 375853 нафари 11-синфни, 552084 нафари 9-синфни тугатдилар.

260 та касб-хунар коллежи, 46 та академик лицей фаолият кўрсатиб, унда 69346 нафар ўқувчи тахсил олмоқда. Ўқувчи талабаларга 11312 нафар ўқитувчи, 2377 нафар ишлаб чиқариш устаси сабоқ бермоқда. Улардан 67 нафари фан доктори, 540 нафари фан номзодидир. Бу йил мазкур таълим муассасаларини 4890 нафар ўқувчи илк бора битирмоқдалар.

Олий таълим тизимида 61 та олий ўқув муассасаси мавжуд бўлиб, унда 18486 нафар профессор-ўқитувчилар меҳнат қилмоқда. Уларнинг 1462 нафари фан докторлари, 7201 нафари фан номзодларидир. Тизимда магистрантлар сони 5055 нафар, бакалаврлар сони эса 178435 нафарни ташкил этади. Бу йил магистратурани 1888 нафар, бакалавриатурани 26516 нафар талаба битирадилар.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ТАРАҚҚИЁТ САРИ

2-БЕТ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: КАДРЛАР
СИФАТИГА ЭЪТИБОР

3-БЕТ

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ
МИЛЛИЙ ДАСТУРИДА
АСОСИЙ БЎҒИН

4-БЕТ

СЎЗ АНЖУМАН
ҚАТНАШЧИЛАРИГА

5-БЕТ

ЎҚУВЧИЛАР
МУАЛЛИМЛАРГА

13-БЕТ

СЕВМАЙ БЎЛАДИМИ,
ШУНДАЙ ВАТАННИ!

16-БЕТ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Ҳар бир халқ эрки ўз қўлида бўлсагина ўз тақдирини ўзи белгилашга, авлодлари учун муносиб келажак барпо этишга имконият топа олади.

Ўн йил муқаддам жонажон Ўзбекистонимизнинг Мустақиллиги эълон қилинган онларда ҳар бир ватандошимиз онгидан жой олган Озодлик, Истиқлол, Ҳурлик каби тушунчалар йилдан-йилга теранлашиб, ўз муқаддаслигини тўла маънода намоён этиб бормоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва бошчилигида яратилиб, 1997 йил 29 августдаги Олий Мажлисда қабул қилинган янги "Таълим тўғрисида" ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлар узлуксиз таълимга асос бўлди.

Узлуксиз таълим мактабгача таълимдан бошланади. Таълим тизимининг эски тузилмасида у "Мактабгача тарбия" дейилар эди. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га кўра,

олият кўрсатаётган 210 та хонадон боғчаларига 2100 нафар жажжоларимиз жалб этилган.

Юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, нодавлат мактабгача таълим муассасалари, ноанъанавий мактабгача таълим шохобчалари тармоғини кўпайтириш ҳам 16,2 фоизга кўрсаткични бир неча фоизга ошириш мумкин, холос.

Шунинг учун мактабгача таълим борасидаги асосий эътиборимизни оиладаги таълимга ҳам қаратишимиз лозим. Шу мақсадда болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлашга қаратилган "Учинчи минг йиллик боласи" таянч дастури ишлаб чиқилди. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ҳам, ота-оналар ҳам мазкур дастур асосида болага таълим-тарбия беришлари ва мактабга тайёрлашлари лозим. Бу борада тарбиячилар ва ота-оналарга ёрдам та-



Рисбой Жўраев,
Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазири

ўқув-тарбия жараёнига жорий этилмоқда.

Миллий дастур ижросининг биринчи босқичи асосий вазифаларидан яна бири сифатида мониторинг олиб бориш назарда тутилган эди. Ушбу вазифани бажариш мақсадида халқ таълимида мониторинг тизими шакллантирилди.

Вазирликнинг Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси томонидан олиб борилган изланишлар натижасида ўқувчиларнинг ДТСда белгиланган минимум талабларни ўзлаштириш мониторингини олиб боришнинг аниқ ва самарали технологияси яратилиб, таълим тизимига жорий этила бошланди. Компьютер ёрдамида тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш, умумлаштириш ва таҳлил этишга мўлжалланган мазкур мониторинг технологиясининг моҳияти шундан иборатки, бунда ҳар бир ўқувчининг ДТСни ўзлаштириш даражаси ўқувчиларни кесимида минимум талабларнинг ҳар бир элементи бўйича назорат қилинади. Синфлар ва ўқувчиларнинг кесимида мактаблар, туманлар, вилоятлар бўйича ҳамда Республика миқёсида қўл меҳнатсиз автоматик равишда умумлаштириш ва тўлиқ таҳлил қилиш имконини беради.

Натижада юзлаб ходимлар бир неча кунлик оғир ақлий ва қўл меҳнатидан озод бўлади, таҳлил сифати кўтарилди, иш самарадорлиги ортади.

2000-2001 ўқув йили якуни бўйича мазкур компьютерлаштирилган технология республика мактабларида сайланма тарзда 5-7-синфларда 9 та ўқувчилардан ДТС ижроси мониторингини ўтказишда қўлланилди. Бу технология бўйича аниқ натижалар олинди ва таҳлил қилинди. Албатта, таҳлил натижаларига кўра, ДТС ижросини таъминлаш учун ҳали қилинадиган ишлар талайгина эканлиги кўриниб қолди. Энг муҳими, ҳозирча беморга

тўғри таҳлис қўйишга эришилди. Эндиги навбат ДТС ижросини тўлиқ таъминлаш юзасидан кўшимча чоратадбирлар белгилаш ва уларни амалга оширишдан иборат.

Таълим самарадорлигини оширишга эришиш учун илгор янги педагогик технологияларни излаш, янгиликларни яратиш ва амалиётга жорий этиш лозим. Бу борада кенг қамровли ишлар бошлаб юборилган. Хорижда ва мамлакатимизда қўлланилаётган, самара бераётган илгор педагогик технологиялар, уларнинг ўқув-услубий базалари, алгоритмлари ўрганилди.

Иккинчи босқич вазифаларидан бири ҳам ўрганилган, илгор янги педагогик технологияларни танлаш ва таълим жараёнига кенг жорий этишдан иборат.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни рўёбга чиқариш вазифаларидан бири таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлашни давом эттириш, ўқув-тарбия жараёнига юқори сифатли ўқув адабиётлари билан таъминлашдан иборат.

Юқорида касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Ташхис маркази фаолиятига қисман тўхталган эдик. Ташхис марказининг яна бир асосий жиҳатига эътиборингизни жалб қилмоқчимиз. У ҳам бўлса, Ташхис марказларининг 9-синфни битираётган ўқувчиларга янги таълим тури — академик лицей ёки касб-хунарга коллежларига йўлланма беришдир. Болаларимизни касб-хунарга йўналтириш мактаб жамоаси, ота-оналар ҳамкорлигида Ташхис марказлари раҳбарлигида амалга оширилади.

Марказ ўқувчиларининг қобилиятлари ва мойилликларини аниқлаш, соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда тиббий-педагогик кўриклар ўтказиш, ўқувчиларга ва уларнинг ота-оналарига психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш, мактаб ўқувчиларининг қобилиятлари, касб-хунарга мойилликларини, кизиқишларини

ҳисобга олган ҳолда академик лицейда ёки касб-хунарга коллежда маълум йўналиш танлашда ёрдамлашади ва тегишли тавсиялар беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида амалга оширилган ижобий ишларимиз талайгина. Аммо, камчиликларимиз, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Жумладан, кадрларни қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш, таълим хизмати кўрсатиш соҳасида рақобатга асосланган муҳитни шакллантириш, бюджетдан ташқари маблағлар жалб этишнинг механизмларини такомиллаштириш ва бошқа айрим ма-

салаларда олдимизга қўйган мақсадларимизга тўла эришганимиз йўқ.

Бизнингча, иккинчи босқичда амалга ошириладиган навбатдаги энг муҳим йўналишлар сифатида куйидагиларни келтириш мумкин.

Биринчидан, мактабгача таълим муассасалари тармоғини нодавлат ва ноанъанавий таълим муассасалари ҳисобига кенгайтириш лозим.

Иккинчидан, 84,0 фоизга яқин болалар мактабгача таълим муассасаларига қатнамайди. Лекин барча болаларни Давлат талаблари даражасида мактаб таълимига тайёрлаш зарур. Шу мақсадда болаларга бевосита оилада мақсадли йўналишда таълим-тарбия бериш учун шарт-шароитларни яратишимиз керак. Жумладан, ҳар бир ёш босқичи учун туркум қўлланмалар, машғулотлар тўплами ва бошқа методик ишларни тайёрлаб, жойларга етказиб беришимиз лозим бўлади.

Учинчидан, мактабдаги барча ўқувчиларни бўйича дарсликларнинг янги авлодини яратиш, экспертизадан ўтказиш, нашр этиш ва ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришимиз зарур.

Тўртинчидан, педагогика соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари салоҳиятини ошириш, илмий изланишларни таълим-тарбия самарадорлигини ошириш учун хизмат қилишга йўналтириш зарур.

Бешинчидан, яқинда қабул қилинган ҳукумат қарори талаблари асосида компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, "Интернет"нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш мақсадида 2001-2005 йилларга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Олтинчидан, таълим жараёнининг бошқарувчиси бўлган ўқитувчиларни ДТС ва замон талаблари асосида қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни йўлга қўйиш мақсадида малака ошириш тизимини тубдан янгилаш, мазкур мақсадлар учун чет эл инвестицияларини жалб этиш биринчи галдаги вазифалардан дид.

Олдимизда қатор вазифалар турибди. Улар мустақил Ўзбекистонимизда илк бора ўтказилаётган Республика ўқитувчиларининг биринчи анжуманида янада оидинлашади.



бу таълим тури "Мактабгача таълим" дея номланди ва у болани мактаб таълимига тайёрлайди. Бу борада бир масалага эътиборни қаратайлик. Ҳозирги пайтда Республикада 6742 та мактабгача таълим муассасасида 610 мингга яқин болалар таълим-тарбия олмақдалар. Бу жами болаларимизнинг бор йўғи 16,2 фоизига тўғри келади. Миллий дастур бўйича барча болаларни мактаб таълимига тайёрлаш масаласи қўйилган. Шу мақсадда ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилаётган "Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари" бўйича мактаб ёшига етган барча болалар унда белгиланган талабларни бажараётган бўлишлари керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 24 июндаги 313-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган "Нодавлат мактабгача таълим муассасалари тўғрисида Низом" асосида турли сабабларга кўра ёпилиб қолган мактабгача таълим муассасалари хусусийлаштирилмоқда. Шу кунгача 8 та боғча хусусийлаштирилган бўлса, яна 57 тасининг хусусийлаштириш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Болаларни мактаб таълимига тайёрлаш мақсадида ноанъанавий мактабгача таълим шохобчалари — хонадон боғчалари, шанба ва яқшанбалик мактаблари, турли марказ ва гуруҳлар ташкил этилмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда фа-

риқасида "Болангиз мактабга тайёрми?", "Учинчи минг йиллик боласи" қўлланмаси тайёрланиб нашрдан чиқарилди. Ҳозирги пайтда болаларнинг ҳар бир ёш босқичи учун ота-оналарга туркум қўлланмалар тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда.

Юқорида таъкидланган икки асосий ҳужжатда болани 6-7 ёшдан мактабнинг биринчи синфига қабул қилиш мумкинлиги белгилаб берилган. Ҳўш, боланинг тиббий, психологик, жисмоний ва маънавий жиҳатдан мактабга тайёрлигини ким аниқлаб беради?

Бу вазифа Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли қарорига кўра, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари қошида ташкил этилган Ташхис марказлари зиммасига юклатилган. Бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" биринчи босқичида белгиланган асосий вазифалардан яна бири бу — умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш эди. Умумий ўрта таълим бўйича 23 та ўқувчилардан давлат таълим стандартлари ишлаб чиқиш, 1998-1999 ўқув йилида республикадаги 346 та мактабда тажриба-синовдан ўтказилди. Синов натижалари асосида такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги 390-сонли қарори билан тасдиқланди ва 1999-2000 ўқув йилидан эътиборан янги ўқув дастурлари билан биргаликда бос-қичма-босқич



ОЛИЙ ТАЪЛИМ: КАДРЛАР СИФАТИГА ЭЪТИБОР

Янгилаётган жамият, эркинлашган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатлар ва қудрати ошиб бораётган мамлакатта биринчи гада шу сифатларга мос тарзда яшай оладиган, фаолият кўрсатишга қодир ҳамда ватанига содиқ, янгилик фикрли шахслар зарурдир. Бундай инсонларни юзага келтирувчи, шакллантирувчи, тоблантирувчи асосий манба — таълим-тарбия тизимида изчилик билан олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад ҳам шу. Зеро, давлатнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, мавқеи ва обрўсини, салоҳиятини белгилувчи асосий омиллардан бири, бу — унинг интеллектуал салоҳиятидир. Шу боис мустақил мамлакатимизда иқтидорли ва истеъдодли ёшларни излаш, камолга етказиш, келажақда уларнинг ақлзаковатидан иқтисодиёт, имфан, маданиятнинг долзарб муаммоларини ечишда самарали фойдаланиш масаласи Президентимиз Ислам Каримов томонидан давлат сиёсати даражасига кўтарилиди.

1997 йилдан 2001 йилгача бўлган даврда таълим тизимига жуда катта ўзгаришлар олиб келинди. Олий таълим икки, яъни бакалаврият ва магистратура босқичидан иборат бўлди.

Узлуксиз таълим тизимининг асосий босқичлари ҳисобланган мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун ўқитувчи, муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш олий таълим зиммасига юклатилган. Айниқса, ушбу таълим муассасаларини магистр даражасига эга ўқитувчилар билан таъминлаш орқали таълим сифати ва самарадорлигини ошириш асосий мақсадимиз. Бунинг учун магистратура мутахассисликлари бўйича педагог кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида фаолият кўрсатиб келаётган, олий маълумотга эга бўлмаган ўқитувчи-ҳодимларни бакалавр даражасига етказиш ҳамда олий маълумотли шахсларни таълим тизимига жалб қилиш мақсадида уларни махсус жадаллаштирилган ва педагогик-психологик ўқув дастурлари асосида қайта тайёрлашни ташкил қилиш муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Бу ишларни амалга оширишда олий таълим профессор-ўқитувчиларининг роли ва

масъулияти ниҳоятда катта. Бундай муҳим вазифаларни бажариш учун олий таълимнинг сифат даражасини кўтариш, унинг информацион таъминотини ривожлантириш зарур. Бу борада ўқув адабиётларининг аҳамияти беқиёсдир.

1998–2000 йиллар давомида олий таълим учун 1129 номдаги дарслик ва ўқув адабиётлари нашр этилди ва олий ўқув юртлари кутубхоналарига тарқатилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун эса 36 номдаги асосий дарсликлар нашр этилди.

Хорижда нашр этилган ва бизнинг таълим стандартларимизга тўғри келувчи 214 номдаги дарсликлардан жами 37 минг нусха сотиб олинди ва кутубхоналарга тарқатилди.

ОЎЮ профессор-педагоглари томонидан 11 минг номдаги маъруза матнлари тайёрланди, улардан 3138 таси ОЎЮ лари кучи ва имкониятлари билан ҳозирги кунда кичик тиражларда чоп этилиб, талабаларга, ОЎЮлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи кутубхоналарига тарқатилди. Уларнинг аксариятининг электрон версиялари ҳам мавжуд, Талабалар улардан дискеталар орқали фойдаланиш имкониятига эга. Энг яхши деб тошилган маъруза матнларининг 1142 таси марказий нашриётларга чоп этишга топширилган.

Маъруза матнларининг кўпайтирилиб, талабаларга ва барча таълим муассасаларига тарқатилиши, амалда ҳар бир профессор-ўқитувчининг салоҳиятини оммавий таҳлил этишга, талабалар учун эса мустақил маърузалар ва маърузачилар танлашга, дарсларга тинглаш учун эмас, балки мунозара учун келишга имкон яратди. Бу эса ўзлаштириш даражасини 20–30 фоизга оширади.

Вазирлик кутубхоналар фаолиятини такомиллаштиришга оид бир қатор қарорлар қабул қилди ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқди. Олий ўқув юртлари томонидан топилаётган бюджетдан ташқари маблағларнинг 20 фоизини кутубхона фондларини янгилаш, унга замонавий асбоблар ва ускуналар сотиб олишга сарфлаш ҳақида махсус буйруқ чиқарилди. Натيجида, вазирлик тасарруфидаги 34 та олий ўқув юртлари кутубхоналарининг барчасига компьютер техникаси ўрнатилди (уларнинг умумий сони 124 та), 29 та кутубхона интернет тизими билан алоқа боғлади, 26 тасида электрон почта ишлаб турибди, 28 та кутубхона нусха кўпайтириш, аудиотехникалар билан жиҳозланган.

Янги технологияга асосланган лаборатория ускуналари ва информацион технология воситалари, янги адабиётлар билан таъминлаш бевосита ҳукумат ёрдамида бажарилмоқда. Бу, албатта,



Саидахроп ФУЛОМОВ,
Олий ва ўрта махсус
таълим вазир

таълим тизими самарадорлигини ошириш ва ёшларнинг билим олишга бўлган имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни чет эллардаги нуфузли университетларга юбориш кенг йўлга қўйилган. Бунга айниқса Президентимизнинг истеъдодли ёшларнинг чет элларда таълим олишсини қўллаб-қувватловчи “Умид” жамғармаси салмоқли ҳисса қўшмоқда. Мамлакатни дунёнинг энг ривожланган ва тараққий этган давлатлари сафига қўшиш, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиш, жамиятни тубдан ўзгартириш мақсадида олиб борилаётган ушбу фаолият натижасида республикамизнинг барча олий ўқув юртлари талабалари АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония ва шу каби тараққий этган мамлакатларда илм олиш, малакаларини ошириш имконига эга бўлмоқдалар.

Республикамиз олий ўқув юртлари ҳозирги кунда АҚШ, Англия, Франция, Германия, Австрия, Испания, Финляндия, Италия, Греция, Хитой, Корея, Бельгия, Миср, Малайзия, Исроил каби хорижий давлатларнинг олий ўқув юртлари билан таълим, илмий, илмий-услубий соҳаларда тажриба ошириш учун талабалар, аспирантлар ва профессорлар алмашуви бўйича ҳамкорликни амалга оширмоқдалар.

Шунингдек, хорижий мамлакатлар олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари республикамизнинг университет ва институтларида дарс бериш, маърузалар ўқиш ва турли илмий-амалий анжуманларда иштирок этиш учун таклиф қилинмоқда.

Одатда, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг ўз соҳалари бўйича фаол илмий излаш олиб боришлари асосий талаб сифатида белгиланади. Зеро, муттасил илмий изланиши жараёнидагина педагог ўз соҳа-

сидаги жаҳон миқёсида қўлга киритилган сўнгги ютуқлардан бохабар бўлади. Шу ўринда мавжуд илмий салоҳият ва фанда эришилаётган ютуқларнинг ҳаётга татбиқ этилишига ҳам тўхталиб ўтмоқ жоиз. Олимларимизнинг илмий изланишлари самараси бўлмиш — кўпгина янгиликлар, ихтиролар ташкилотлар, идоралар, ишлаб чиқариш корхоналарида ҳамда қишлоқ хўжалик тармоқларида кенг кўламли қўлланилмоқда.

Жумладан, ТДТУда мутахассис олимлар томонидан сув ва газ сарфини ҳисобга олувчи мукамал асбоблар яратилиб, Ўзбек-Хитой қўшма корхонасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу эса ўз навбатида четдан валюта ҳисобига ушбу ўлчашларни сотиб олиш учун келадиган харажатларни қисқарти-



риш имконини берди.

Охириги уч йилда вазирлик олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган мутахассис олимлар томонидан ишлаб чиқиладиган илмий ишланмалар халқ хўжалиги тармоқларида кенг қўлланилмоқда. Хўжалик шартномалари асосида 1998 йилда 67 млн. сўмга яқин, 1999 йилда 80 млн. сўмдан ортиқ илмий-тадқиқот ишлари бажарилган бўлса, 2000 йилда эса бу кўрсаткич 95 млн. сўмдан ортиқ ҳажми ташкил этди.

Фан ва техника давлат қўмитасининг устувор илмий-техник ва фундаментал тадқиқотлар дастурлари доирасида 1998 йилда 120 млн. сўмлик, 1999 йилда 190 млн. сўмлик, 2000 йилда эса 220 млн. сўмлик ИТИ(илмий тадқиқот иш)лари бажарилди. Буларнинг барчаси республикамизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига самарали ҳисса қўшмоқда.

КТМД ни амалга оширишнинг 1-босқичида эришилган натижалар таҳлилдан келиб чиқиб, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш зарур.

Биринчидан, дарслик, ўқув қўлланма, маъруза матнлари мазмуни сифатини кўтариш, кутубхоналарни янги адабиётлар билан тўлдириш, таянч олий ўқув юртлари томонидан касб-ҳунар коллежлари учун ўқув адабиётлари тайёрлаш, дарслик, ўқув қўлланмалари ва дастурлари, маъруза матнларини электрон дискетларга кўчириш ва улар билан ҳар бир талабани таъминлашга эришиш лозим;

Иккинчидан, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида эълон

қилинган бўш ўринлар таҳлили асосида касб-ҳунар коллежларини тезкор усулда ихтисослаштириб боришни йўлга қўйиш;

Учинчидан, янги педагогик ва информацион технологияларни ўқув жараёнига жорий этиш қўламини кенгайтириш, бу йўналишда илғор тажрибаларни татбиқ қилиш, ҳар бир фан бўйича бу соҳада аниқ режалар тузиб ишни ташкил этиш;


Тўртинчидан, олий ўқув юртлари, ўрта махсус билим масканлари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари педагоглариининг ижтимоий муҳофазасини янада такомиллаштириш, иш ҳақига қўшимча белгилашда энг аввало янги ахборот технологиялари ва педагогик услублар яратган профессор-ўқитувчилар, педагоглар-

ни, юқори илмий даража ва унвонларга интилишни рағбатлантиришни назарда тутиш лозим;

Бешинчидан, замонавий молиялаштириш асосларини янада ривожлантириш, бюджетдан ташқари маблағлар миқдорини барча ўқув масканларида кўпайтиришга эришиш, улардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш, маркетинг бўлимлари фаолиятини янада такомиллаштириш зарур;

Олтинчидан, ёшларнинг маънавий тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш. Тарихий шахслар мисолида ва ҳаётий ўзгаришлар асосида таъсирчан механизм яратишга эришиш, Ватанпарварлик руҳида ва ўз халқига содиқ кишиларни тарбиялашда энг фидоий педагоглар салоҳиятидан фойдаланиш ва шундай инсонларни муносиб тақдирлаш.

Иқтисодий ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишга, ўз иқтисодий-сиёсий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган Ўзбекистон учун бутунли кунда ёшларнинг онгини Миллий мустақиллик вояси асосида шакллантириб, уларнинг ҳаракатларини давлат ва жамият манфатлари сари йўналтириш энг асосий долзарб вазифалардан биридир. Чунки ҳар бир давлатнинг мустақиллиги, келажаги ва тараққиётини таъминловчи асосий омил — унинг мустақиллик вояси руҳида тарбияланган баркамол ёш авлодидир.



КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИДА АСОСИЙ БЎГИН

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази "Таълим тўғрисида" ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг меваси. Мазкур таълим тизими эса Миллий дастурнинг ноёб жиҳатидир. Миллий дастурнинг биринчи босқичида янги турдаги 3 йиллик таълим муассасаларини ташкил қилиш баробарида давлат таълим стандартларини яратиш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника негизини яратиш, халқаро алоқаларни ривожлантириш кўзда тутилган эди. Республикада 1998-2000 йиллар мобайнида 160 минг нафар ўқувчи мўлжалланган 46 та академик лицей ва 260 та касб-хунар коллежлари янги қурилиш ва тубдан реконструкция қилиш йўли билан ташкил этилди. Бу мақсадлар учун 135 миллиард сўм маблағ сарфланди. Келажакда яна 1340,0 минг ўқувчи мўлжалланган 134 та академик лицей ва 1351 та касб-хунар коллежлари қурилиб, фойдала-

ёриладиган кадрлар ҳисобидан қопланса, 70 фоизини умумтаълим мактаблари, хунар билим юрталари ва техникумлардан бўшаб қолаётган ўқитувчилар ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш йўли билан қоплаш назарда тутилган.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг педагог ва муҳандис-педагог кадрларини илмий-тадқиқот ишларига жалб қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўрта махсус, касб-хунар таълимни ривожлантириш институтида мазкур тизим муаммолари бўйича малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга йўналтирилган аспирантура ва Иқтисослаштирилган кенгаш фаолият кўрсатмоқда. 1998-2000 йиллар давомида мазкур кенгашда 10 нафар ходим номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Айни пайтда янги турдаги ўқув муассасаларида 607 нафар фан докторлари ва номзодлари ўқувчи-ёшларга таълим бермоқда.

1998 йилдан бошлаб мамлакатимизда ўрта махсус, касб-хунар таълими стандартлари ишлаб чиқиладиган бўлди. Бунда давлатнинг сиёсий мақсадлари, иқтисодий ривожланиш динамикаси ва республиканинг ижтимоий-маданий хусусиятлари ҳисобга олинди.

Бугунги кунга қадар давлат таълим стандартларининг илмий асослари, ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасалари битирувчиларига қўйиладиган талаблар, 20 та умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари, академик лицейларнинг тўртта йўналиши бўйича таълим стандарти ва касб-хунар коллежларида кадрлар тайёрлаш бўйича 185 та тармоқ стандартлари ишлаб чиқилди. Шундан уч йиллик тажриба-синовдан ўтган 37 та тармоқ стандартлари мутахассислар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида қайта ишланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги 400-сонли қарори билан ЎМКХТ давлат таълим стандартлари ва умумтаълим фанлари давлат таълим стандартлари тасдиқланди.

Бундан ташқари, 1998 йилдан бугунга қадар академик лицейларнинг тўртта йўналиши бўйича 10 та, касб-хунар коллежлари учун 194 та тажрибавий ўқув режалари ишлаб чиқилди. Ушбу ўқув режалари асосида академик лицейлар учун 20 та умумтаълим фанлари, 70 та чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича ҳамда касб-хунар коллежлари учун 3 мингта яқин умумқасбий ва махсус фанлар бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва айни пайтда улар 76 та тажриба-синов майдончаларида синалмоқда.

Давлат таълим стандартларини жорий этиш билан биргаликда, янги ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш уч усудда амалга оширилиши кўзда тутилган. Биринчиси, ўқитиладиган фанлар



Жуманазар ҲУСАНОВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари,
Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбари

бўйича маъруза матнларини тайёрлаш; иккинчиси, Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари талабларига мос бўлган оригинал дарсликлар яратиш; учинчиси, амалдаги илгор чет эл ўқув, методик адабиётларини таржима қилиб чоп этиш. Бу борада ЎЗМУ, ТошДУ, СамҚХИ, ТошДАУ ва бошқа бир қанча институтларнинг етакчи профессор-ўқитувчилари фаол иштирок этмоқдалар.

Ҳозирги кунда Марказда зарур дарсликлар ахборот банки ишлаб чиқилди. Унга кўра, академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун умумтаълим, умумқасбий ва махсус фанлар бўйича 2500 га яқин номдаги дарсликлар яратилиши керак. Бугунги кунда 79 нафар муаллифлар билан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш тўғрисида шартномалар имзоланди. Шундан 6 та ўқув қўлланмаси нашрдан чиқарилиб, ўқув муассасаларига етказиб берилди. Яна 34 та турли ўқув қўлланмалар "Шарқ", "Ўқитувчи", "Ўзбекистон" нашриётлари ҳамда Фан ва техника давлат қўмитаси босмахонасига нашрдан чиқариш учун берилди.

Шунингдек, жорий йилда хорижий мамлакатларда устувор йўналишлар бўйича нашр этилган 44 та дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар танлаб олинди ҳамда таржима қилиш учун "Меҳнат" нашриёти ва муаллиф-таржимонлар билан шартномалар тузилди. Ҳозирда 5 та ўқув қўлланмаси тўлиқ таржима қилинди ва нашриётларга чоп этиш учун топширилди.

Ўқув муассасаларида таълим олаётган ўқувчи-ёшларни жисмонан етук ва ахлоқий баркамол, Ватанга садоқат руҳида комил инсон қилиб тарбиялаш, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида ривожлантиришни амалга ошириш мақсада жорий йилда илк бора ўрта

махсус, касб-хунар таълими тизимидаги ўқув муассасалари ўқувчи-ёшларининг "Баркамол авлод" спорт мусобақалари уч босқичда ўтказилди. Республика якуний босқичи жорий йил 30 апрелдан 5 майгача Жиззах шаҳрида бўлиб ўтиб, унда 14 та жамоа 7 та спорт тури бўйича беллашдилар. Бу мусобақаларда 2000 га яқин ўқувчи-ёшлар қатнашдилар. Мусобақа ғолиблари Ташкилий қўмита томонидан таъсис этилган 142 та олтин, 142 та кумуш, 156 та бронза медаллар, махсус дишлолар ҳамда фахрли ўринларни эгаллаган жамоалар Президент совғалари — "Дамас" ва "Тико" русумли автомашиналар билан тақдирландилар.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларини замонавий мебеллар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, ўқитишнинг техник воситалари, кўргазмалар куроллар, дастоҳлар, машқ техникалари ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш учун республика ва маҳаллий бюджетлардан 8862,4 млн. сўм маблағ сарфланди.

Шу жумладан мазкур ўқув муассасалари замонавий техникалари билан таъминланиб, уларнинг аксарияти интернет тармоғига уланган.

Республикада амалга оширилаётган ислохотлар дунёдаги кўлаб мамлакатларнинг ва тажрибали хорижий мутахассисларнинг диққатини жалб қилмоқда. Жумладан, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги 218 та ўқув муассасалари учун Корея Республикасидан умумий қиймати 34 млн. АҚШ доллари бўлган ўқув жиҳозлари келтирилди ва ҳозирда жойларга етказиб берилмоқда. Европа ТАСИС дастури томонидан молиялаштирилаётган (1 млн. евро миқдоридagi грант) ва Европа таълим фонди ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳа бўйича 3 та ўқув муассасаси ҳамда Германиянинг 5 млн. немис маркаси миқдоридagi гранти ҳисобидан Германия техникавий ҳамкорлик ташкилоти (GTZ) иштирокида 5 та ўқув муассасасини жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, яқин бир-икки йил ичида 45 та ўқув муассасаси Осие тараққиёт банки кредити (57 млн. АҚШ доллари) ҳисобидан ва 50 та кишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежлари Япония ҳукумати томонидан берилган кредит (58 млн. АҚШ доллари) ҳисобидан тўлиқ жиҳозланади.

Шу билан биргаликда, Германия халқаро ҳамкорлик фонди (DSE), Япония халқаро ҳамкорлик ваколатхонаси (JICA), ЮНЕСКО ва бошқа ташкилотлар билан манфаатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди ва улар ҳомийлигида раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини оширишга йўналтирилган семинар ва ўқишларни ташкил этиш, ўқув муассасаларида хорижий тажрибани татбиқ этиш ва шу каби бошқа йўналишларда ишлар олиб борилмоқда.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ни рўёбга чиқаришнинг биринчи босқичида амал-

га оширилган салмоқли ижобий ишлар ўз натижасини бера бошлади. Хусусан, 2000 йилда Нукус Давлат Педагогика институтини қошидаги академик лицей ўқувчиси Андрей Чупраков Польша фанлар институтида ўтказилган халқаро лойиҳалар кўрик-танловининг физика бўйича "Нобель мукофоти томон бир қадам" дипломи соҳиби бўлди, Самарқанд Давлат Университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Зариф Исроилов ош тузидан мис кристалларини ўстиришга муваффақ бўлди. Жорий ўқув йилида эса, Ангрен академик лицейи ўқувчиси Абдухали Эрматов Алмати шаҳрида ўтказилган "Математик лойиҳаларнинг халқаро мусобақалари" да фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медал соҳиби бўлган бўлса, Навоий Давлат кончилиги институти қошидаги лицей-интернат ўқувчиси Зебуниса Исанова Москва Давлат университетида ўтказилган халқаро Менделеев олимпиадасида кимё фани бўйича фахрли учинчи ўринни эгаллади ва айнан шу йилда Зулфия номидagi давлат мукофоти совриндори бўлди. Шунингдек, Навоий Давлат педагогика институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Бахтинур Бердиев "Юртим тарихи бир назар", "Навбахор тумани тарихи" асарларини чоп эттирди ва ҳозирги вақтда академик Б.Аҳмедов раҳбарлигида



"Навоий вилоятининг мукаддас қадамжолари" мавзусида илмий иш олиб бормоқда. Шу билан бирга ҳали олдимизда, ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш, Давлат таълим стандартлари талабларига мос дарслик ва ўқув-услубий адабиётлар билан тўлиқ таъминлаш, педагог ва муҳандис-педагог кадрлар сафини юқори салоҳиятли мутахассислар билан бойитиш ҳамда спорт-соғломлаштириш ва маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш каби вазифалар турибди.

Бугунги кунда республикада "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ни ҳаёта муваффақиятли жорий этиш учун барча асослар мавжуд. Шу босқичда, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ходимлари мазкур тизимни "намунали таълим тизимига айлантириш" шиори остида тинимсиз ила-




нишга топширилиши режалаштирилган.

Жорий йил соҳа ходимлари учун муҳим йилдир. Зеро, айнан мана шу йилда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг янги турдаги ўқув муассасаларини 4890 нафар илк "қалдирғоч"лар битказиб, мустақил ҳаётга қадам қўядилар.

Бугунги кунда кадрлар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тизимини ислохот қилиш бўйича меъёрий хужжатлар ва 1999-2005 йилларга мўлжалланган истиқболли режалар ишлаб чиқилди.

1998 йилдан буён республикада 39 та соҳа ва йўналишлар бўйича ташкил этилган малака ошириш марказларида 17 мингдан зиёд ҳамда АҚШ, Германия, Франция, Голландия, Япония ва Корея каби ривожланган хорижий давлатларда 394 нафар раҳбар, педагог ва муҳандис-педагог кадрлар янги таълим стандартлари, илгор педагогик ва ахборот технологияларни ҳамда замонавий дарс услубларини ўрганиш бўйича малака ошириб қайтдилар.

Айни пайтда келажакда ташкил қилинадиган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг педагог кадрларга бўлган умумий эҳтиёжи 121 минг нафар ўқитувчи ва муҳандис-педагогларни ташкил этиши аниқланди. Бу эҳтиёжнинг 30 фоизи олий ўқув юрталарида тай-





Биз бу йил улуғ сана, яъни юртимиз мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Очигини айтганда, бу сана тарих учун жуда қисқа вақт. Лекин, амалга оширилган ишлар кўламининг кенглиги, қўлга киритилган муваффақиятларнинг салмоқчилиги билан ажралиб туради. Шу ўринда, айниқса, таълим соҳасидаги эришилган ютуқларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Мен мана шу 10

МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Йиллик арафасида бирров орта боқиб, бу соҳадаги ишларга назар ташлар эканман, бевосита ўтмиш билан таққослайман.

Йўқотилган маданиятимизнинг истиқлол йилларида қайта тикланиши, илм-фан, маънавий ва маърифий соҳадаги бўлаётган ўзгаришлар ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмайди. Бугун ҳукуматимизнинг келажагимиз таянчи бўлган ёшларга бераётган эътибори диққатга сазовор. Бу йигит-қизларимизнинг, қолаверса, Ватаннинг, Халқнинг келгуси тақдирига қайғуриш демакдир. Зеро, Юртбошимиз айтганларидек, юрт келажаги — ёшлар қўлида.

Мен устоз-педагог, қолаверса, шу юртнинг эъзозланган она-хонлариданман. Шу боис, она-Ватанимда бўлаётган ривожланиш, фарзандларимизнинг дав-

латимиз шон-шухратини, гурурини кўтариш йўлидаги изланишларидан фахрланаман. Фарзандларимиз иқтидорли. Уларнинг ақл-заковати, шижоатларини кўриб руҳланиб кетаман. Шу боис, ўзим фаолият кўрсатаётган мактабда ҳам ўқувчиларимизнинг комил инсон бўлиб вояга етишларига катта эътибор бераёلمиз. Ўқитувчи — миллат тарбиячиси, дейишади. Рост, ўқитувчилик шарафли, шу билан бирга масъулиятли касб. Шу ваздан бугун ўқитувчиларимиз қанчалик билимли, ўз фанининг сардори, комил инсон бўлишлиги муҳим аҳамиятга эга. Биз ҳам шу нуқтаи назардан ўқитувчиларимизнинг етук мутахассислар бўлишига эътиборимизни қаратганмиз. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугун мактабимиздаги барча ўқитувчилар ўз соҳалари

бўйича шахримиз ва А.Авлоний номидаги Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида ўз тажрибаларини оширишган. Албатта, у ердан янги педагогик технология билан танишиб қайтган устозларимиз дарсларда улкан самарага эришаётир. Бунинг айлани пайтларда ўқувчиларимизнинг давлат имтиҳонларидаги топшириқларга бераётган жавоблари мисолида кўришимиз мумкин.

Мустақиллик — улуғ неъмат. Унинг қадрига етишимиз, имкониятларидан оқилона фойдаланмоғимиз лозим. Зеро, шу юрт келажагини куриш, давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов айтганларидек, фарзандларимизга озод ва обод ватан қолдириш бугун бизнинг зиммамизда. Шундай экан, ҳамиша миллат тарбиячиси деган улуғ номга лойиқ бўлайлик.

Мавлуда ИСМАТОВА,
Тошкент шаҳридаги 273-мактаб директори,
Ўзбекистон Қаҳрамони

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНАДИ

Малакали кадрларсиз ҳеч қандай жамият тараққиётга эриша олмайди. Шу жиҳатдан олганда, мустақиллик йилларидаги энг катта тарихий ҳужжатлар таълим соҳасининг мазмуни, моҳияти, муқдарижасини белгилаб берди.

Институтимиз миллий дастур талабларини бажаришга қатъият билан киришди. Дастур педагог ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш жараёнини жадаллаштириш, таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш вазифасини қўйган эди. Кейинги уч йил ичида институтимизда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш даражаси 41,1 фоизга ошди, 2800 ўринли янги бино ишга тушди.

Таълим жараёнини дарсликлар, ўқув адабиётлари билан таъминлашга ҳам маълум даражада ҳисса қўша олдик. 119 та маъруза матнлари, 11 та монография, 36 та дарслик, 110 та илмий тўпламларни яратиб, таълим тизимига жорий этдик.

Мана, биринчи босқич тугаб, иккинчи босқичга ҳозирлик кўриш арафасидамиз. Ўйлайманки, ўқитувчилар анжуманида республика миқёсидаги таълим ислохотлари боришидан тўла хабардор бўлиб, истиқболдаги режаларни аниқлаштириб оламиз.

Озод МАТЧОНОВ,
Нукус ДПИ ректори

ФАРЗАНДАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ УЧУН

Истиқлолимизнинг 10 йиллиги арафасида бўлиб ўтадиган анжуман ўтган ўн йил ичида юз берган улкан ўзгаришларга ҳамоҳанг равишда бўлади, деб ўйлайман.

Бу даврда таълим соҳасида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, таълимда узлуксизликни таъминлаш устувор вазифага айланди. Бу тизимда боғча-мактаб мажмуалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўйлайманки, энг илғор ўқитувчи ва мураббийлар йиғиладиган анжуманда боғча-мактаб, хусусий боғча, яқшанбалик боғчалар масалаларига жиддий эътибор қаратилади.

Боғча-мактаб мажмуаларини етук кадрлар билан тўлиқ таъминлаш юзасидан ҳам чоратадбирлар белгиланса, бу фарзандларимиз келажаги учун муҳим аҳамият касб этар эди. Зеро, болаларимиз келажаги — бизнинг, Ватанимизнинг эртасидир.

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА,
Урганч шаҳридаги
1-боғча-мактаб мажмуаси
директори



ЁШ КАДРЛАРГА ЭЪТИБОР

Олий ўқув юртини тугатиб, мактабларга янгитдан ишга келганлар жараёнга киришиб кетишда қийинчиликка учраётганлари бор гап. Анжуманда ушбу масалага ҳам кенгроқ эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ёш мутахассис ўзини ўнглаб олгунча тажрибали ўқитувчига бириктириб қўйилса, биргаллашиб дуч

келган муаммоларни ечиб борадилар. Шунда унинг иштиёқи сақлаб қолиниши билан бирга, тажрибаси ҳам ошиб боради.

Мактаб кутубхоналари ўртасидаги алоқаларни изчил йўлга қўйиш даври ҳам аллақачон келган. Ҳар бир туманда услуб алмашиш учун таянч кутубхоналар белгиланиб, ўзаро алоқалар кучайтирилса, бу борадаги

муаммолар ҳам, албатта, ўз ечимини топади.

Ватан биздан фидойиликни талаб қилмоқда. Фидойилик эса фаолликка ундайди. Барча анжуман иштирокчиларини фаол бўлишга ундайман.

Зумрад ҚОБУЛОВА,
Урганч туманидаги
21-мактабнинг олий
тоифали она тили ва
адабиёти фани ўқитувчиси

ТЎГАРАКЛАР ФАОЛИЯТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАС

Бугун биз ўқувчининг бўш вақтини кўнгилли ташкил этиш ҳақида кўп гапиряпмиз. Сабаби, ҳамма иллатларнинг боши — бекорчилик, бирор кимсанинг назоратида бўлмаслик, бирор ишнинг бошини тутмасликда. Бўш юрган ўқувчи аввал билиб-билмай ёмон йўللарга кириб қолади, сўнгра ана шу ёмон одатга ўрганиб қолганлиги ва ундан қутула олмаганлиги сабабли тарбияси оғир болалар рўйхатида тушиб қолади.

Менинг ҳам анжуманда ўз айтадиган сўзим, ўртага ташлайдиган таклифларим бор. Чунки, олдимишга шахсни, етук авлодни камолга етказишни бош

мақсад қилиб қўйган эканмиз, биз истаган фарзанд ўз қизиқишларига жавобни мактабдан бўш вақтларида турли ижодкорлик марказларидан, бадиий ва ҳунармандчилик тўғарақларидан топиши керак. Бу ниятларни амалга оширишда эса олдимизда талай юмушлар, муаммолар турибди. Мана шу муаммоларнинг ечимини биргаликда ҳал қилиш барча мактабдан ташқари таълим ходимларининг бирламчи вазифасидир.

**Маҳмуджон
АБДУРАХИМОВ,**
Наманган шаҳридаги
Болалар ва ўсмирлар
ижодкорлик Маркази
раҳбари

ТИББИЁТ ДАРСЛИКЛАРИГА ЯНГИЛИКЛАРНИ КИРИТИШ ЛОЗИМ

Бугунги кун барча мутахассислар сингари тиббиёт соҳаси ходимлари олдига ҳам катта талаблар қўймоқда. Ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда юқори малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш ишга сидқидилдан киришимиз лозим.

Мустақиллик ила мамлакатимизда илк бора ўтказилаётган республика ўқитувчиларининг биринчи анжуманида қатнашиш шарафига муяссар бўлган эканман, шу ўринда 32 йиллик иш тажрибамга асосланиб, бир гапни таъкидлаб ўтмоқчиман. Эътибор қилган бўлсангиз, тиббиёт соҳасини танлаган ёшлар жуда камдан-кам ҳолларда бошқа соҳалар бўйича олий ўқув юртларига киришади. Аксарияти мазкур йўналиш бўйича касб эгаллашади. Шундай экан, тиббиёт фанининг ўзаги ҳисобланган биология, кимё, физика фанларининг янги ютуқлари билан бойитилган ўқув дарсликлари тиббиёт соҳаси йўналишларининг хусусиятларига мос равишда, чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилиши шарт деб ҳисоблайман. Ана шундагина биз малакали, етук мутахассислар тайёрлашга пухта замин яратган бўламиз.

Яхшинор АЛЛАЁРОВ,
Самарқанд тиббиёт коллежи директори

ЎҚИТУВЧИ ШАХСИ ҲАҚИДА ҲАМ ҚАЙГУРИШ КЕРАК

Малака ошириш таълим тизимининг катта бир босқичидир. Ҳозирги вақтда ўқувчи шахсини шакллантириш биринчи ўринга қўйилмоқда. Лекин ўқитувчи шахси ҳақида ҳам қайғуриш нафақат зарур, балки шарт деб ўйлайман.

Ўқитувчининг ўзи миллий истиқлол роясини қай даражада англаб етади? Педагогика соҳасида тадқиқот олиб бораётганларнинг изланишлари қай даражада? Уларни ўз иш жойлари ёки тегишли муассасаларда синаб кўриш имконияти мавжудми? Ўқитувчи кадрлар малакаси оширилаётган пайтда, ҳар бир фан негизига аждодларимиз таълимнинг сингдирилиш жараёни қандай?

Хуллас, мени ўйлантираётган муаммолар анчагина.

Гарчанд институтимизда ўқитувчига ўзи ҳақидаги маълумотларни етказиб берувчи тест, ахборот ва анкеталар билан шугулланувчи мониторинг маркази мавжуд бўлса-да, малака ошириш тизимини яна ҳам такомиллаштириш керак. Фикримча, анжуманда бу хусусда ўз ҳамкасбларимиз билан қизиқарли баҳслар уюштирамиз.

Гулчеҳра РИХСИЕВА,
Тошкент вилоят
педагогик ходимлар
малакасини ошириш
институти "Тил ва
адабиёт таълими"
кафедраси катта
ўқитувчиси, филология
фанлари номзоди

Тошкент Ислон университети яна бир нодир асар билан бойиди. XIII аср ўрталарида кўчирилган Бурҳониддин Марғинонийнинг "Ҳидоя" асари мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов томонидан тухфа этилган лаҳзаларда университет талабалари чексиз миннатдорчилик ҳиссини туйишди. Зеро,

дир асарнинг Президентимизга Буюк Британиянинг Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган "Квик-Стоп-Групп" компаниясининг раҳбари жаноб А.Патель томонидан ҳаё қилинишида ўзбек халқига бўлган ҳурмат ҳамда Имом ал-Бухорий ва Ат-Термизийлар юртига эҳтиром анланган эди.

ТУҲФА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Зухриддин Ҳусниддиновнинг қўлэмани талабалар орасидан Шокиржон Шавкат ўлига топширишида жамиятимизнинг ёшларга бўлган ишончи, умиди мужассам эди.

Бунга ҳамоҳанг равишда ушбу но-

Айтиш жоизки, шу куни университет ректори Ҳ.Кароматов таклифи билан мазкур асарни қиёсий ўрганиш ва таржима қилишни йўлга қўйиш учун алоҳида гуруҳ ташкил этиладиган бўлди.

МУХБИРИМИЗ

Пойтахтнинг энг йирик "Пахтакор" уйингоҳи 23 июнь куни Тошкент шаҳри мактаблари, лицейлари битирувчиларини уз бағрига олди. Шу куни Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати ҳамкорликда битирувчиларнинг "Битирув оқшоми" кечасини мазмунли ва мароқли ўтказиш, ёшларни аҳилликка, ҳамжиҳатликка чорлаш мақсадида катта тadbир ўтказди.

ҳидаги жанговарлик чиқишлари бўлди.

Шу куни ёшларнинг сеvimли хонандалари, ёш эстрада гуруҳлари Ватан, мактаб, сўнги кўнгирак, синфдошлар ҳақидаги бир-биридан шуҳ ва кувноқ қушиқлар билан даврага файз киритишди.

Айниқса, "Сетора" гуруҳи куйлаган "Хайр, мактабим", "Аждодлар ёди", А.Каримов ижро этган "Ватан учун қурбон буламан" каби қушиқларига, Ю.Усмоновнинг "Ҳеч кимга

ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ

Тadbир катнашчилари асосан битирувчилар ва уларнинг ота-оналари бўлди. Битирувчиларни дастлаб Республика ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати раҳбари Б.Убайдуллаев тadbирклари ва уларга оқ йул тилади.

Энг ҳаяжонли ва қизиқарли дақиқалар эса уйингоҳни тўлдириб айтилган куй-қушиқлар, чиройли рақслар, ҳарбий-ватанпарварлик ру-

бермаймиз сени, Ўзбекистон" деб номланган, ёшларнинг гимнига айланган қушиқига барча-барча битирувчилар жур бўлишди. Уйингоҳ узра оппоқ кабутарларнинг учирлиши, янги чиққан тўлин ойнинг муаллақ осилиб туриши ҳам бир нарсани — битирувчиларнинг йўшларининг ойднлиги ва оқлигини билдириб турди.

МУХБИРИМИЗ

Умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқув йили тугади. Навбатдаги жараён олий ва ўрта махсус ўқув юртлирига қабулдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2001-2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарориди бу йилги мўлжал ва вазифалар тўлиғича ўз аксини топган.

Олий таълим муассасалари абитуриентларни қабул қила бошлади.

1-Тошкент Давлат тиббиёт институти қабул ҳайъатига кириб борган кишининг диққатини аввало абитуриентга мазкур олий ўқув юртидаги таълим йўналишлари (даволаш, стоматология, тиббий педагогика, олий малакали ҳамшира) ҳақида батафсил маълумот берувчи стендлар ўзига тортади.

Табобат—мураккаб ва кийин соҳа. Буюк табиб Ибн Сино айтганки, инсон танасида минг бир хил дард бор. Биз уларнинг саноклисини биламиз, холос. Табо-

бат соҳасининг ана шу мураккаблиги ҳисобга олинган ҳолда бошқа олий ўқув юртлирига нисбатан таълимга кўпроқ вақт талаб этилади. Шу боис ҳам унда кечки ва сиртки бўлимлар йўқ.

Базавий олий ўқув юрти ҳисобланган 1-ТДТИга ҳар йили юзлаб эмас, минг-минглаб йигит-қизлар ариза топширадилар. Оқ халатда беморга ёрдам кўрсатиш қалб орзуларига айланган билимдон ва зукко абитуриентлар талабалик бахтига эришадилар.

—Бу йилги мўлжал 504 нафар талабани қабул қилиб олиш,—дея бизга маълумот берди институт қабул ҳайъати масъул котиби, медицина фанлари номзоди Авазбек Абдуфатов. —Бундан 215 кишини давлат грантига, 289 талабани тўлов-контракт асосида қабул қилиш режалаштирилган. Даволаш, стоматология йўналишларига ўрин кўпроқ ажратилди. Чунки бу соҳаларга эҳтиёж катта.

—Қабул жараёнига қандай тайёргарлик кўрилди?

—Аввало қабул ҳайъатига тегиш-

ли бино капитал таъмирдан чиқарилди. Абитуриент ва унинг ота-онасига тегишли маълумотлар, кўрсатмалар ҳужжатларни қабул қилиш столида берилди. Хар бир ҳужжатнинг намуна нусхаси кўйилган. Бундан ташқари, Давлат Тест маркази билан ҳамкорликда аудитория кузатувчилари ва раҳбарлари учун семинарлар уюштириш ниятимиз бор.

Abituriyent — 2001

Бу тест синовларига жалб қилинадиган холис вакилларнинг ҳужжатларни тўлдиришда ҳеч қандай чалкашликка йўл қўймаслигини таъминлайди.

Семинарлар 4 мартаба уюштирилади.

—Абитуриент консултацияларга "жон-жон" деб келади. Бу масалага қай даражада ёндашиляпти, деб ўйлайсиз?

—Тўғри таъкидладингиз. Аввало абитуриент ўз билимига ишонади ва имкониятига таянади. Лекин менимча, ҳар бир абитуриент тест

синовларига тайёргарликда дахлдор фанлар бўйича консултант йўл-йўриғига зарурат сезади. Химия, биология, физика, она тили ва адабиёти каби фанлар бўйича тегишли кафедра ўқитувчилари маълум сотларда абитуриентлар билан бирга бўлишади. 9 нафар профессор-ўқитувчиларни бу ишга жалб этиш ҳақида ректорат буйруғи чиқарилган.

—Янги ўқув йилидан бошлаб олий таълимнинг иккинчи босқичи—магистратурага ҳам қабул эълон қилинибди. Шу ҳақда ҳам шарҳ бериб ўтсангиз.

—Бошқа олий ўқув юртлири сингари ўтган ўқув йилида, институти-мизда магистратура очилган эди. Улар 2002 йилда 7 та мутахассислик бўйича малакага эга бўлишади. Янги ўқув йилидан бошлаб эса магистратура мутахассисликлари 17 тага етказилиб, бунга 84 нафар йигит-қизлар қабул қилинади. Бу амалдаги 7 йиллик (даволаш) ёки 5 йиллик (стоматология) таълимга кўшимча равишдаги икки йиллик билим эгаллаш босқичи ҳисобланади.

Қабулнинг дастлабки кунлари бўлгани боис, бу ерда абитуриентлар оммаси у қадар кўп кўзга ташланмас эди. Учратганим—Сурхондарёнинг Бойсунидан Садриддин Хонов бўлди. Кўзларида умид чакнаб турган воҳалик йигитни бу ерга бошлаб келган орзу илм эгаллашди. У таъкидлайди:

—Касалликларни, хусусан, ошқозон-ичак хасталиқларини жароҳлик йўли билан даволаш мени кўпроқ қизиқтиради. Утган йили ҳам ҳаракат қилганман, бироқ 127,4 балл натижа билан қайтдим. Қарорим қатъий, бу йил яна даволаш факультетига ҳужжат топширдим. Яхши ният—ярим давлат...

Абитуриентнинг қалби орзулар билан лиммо-лим. Нафақат Садриддиннинг, балки барчасининг. Зеро, абитуриентлик ҳаяжонларини бошидан кечирган йигит-қизгина талаба бўлади. Кўп йиллардан сўнггина у малакали шифокорга, таъбир жоиз бўлса, дардга малҳам бўладиган мутахассисга айланади.

Хулқар Тўйманова,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

УСТОЗГА ЖОИЗДИР ҲАМИША ҚУЛЛУҚ



Муаллим ҳамманинг устози — ўткирсўз шоиру ўтнафас ҳофиз, кашфиёт яратган олим шуҳсупага чиққан спортчининг ҳам. Она-Ватан доврўини оламга ёяётган барча юрт фарзанди борки, устозларига — ўқитувчи мураббийларига қуллуқ қилади, раҳматлар айтади. Қуйида ўз эҳтиромларини изҳор этаётган, истиқлол туфайли мактабда ўқиётгандаёқ ўз иқтидорларини намойиш этиб, юрт шаънини

Беш ёки олти ёшда эдим. Боғчада Муҳаббатхон исми тарбиячи опам мен ва ўртоқларимга ҳамма нарсани ўргатарди: санаш, расм чизиш, пластлинлардан шаклар ясаш. Бир куни боғчадан қайтаётганимда, бир амакининг атрофга қараб, расм чизаётганини кўриб қолдим ва унинг ишига қизиқиб, олдида туравердим. Анча вақт ўтгач, амаки "менга халақит беряпсан, кетмайсанми", деб қолди. Шунда "менга ҳам расм чизишни ўргатинг", дедим. У

УСТОЗЛАРИМ ҚўЛЛАБ ТУРИШИБДИ

киши эса чизилган расмни бўяйдиган мўйқалам берди. Шундан буён расмлар чизаман. Гўзал ва хушманзара, фаровон тоғли қишлоғим гўзаллигини томоша қила туриб, ҳаёлимда янги-янги асарлар яратиш фикри туйлади.

Аввал мактаб миқёсидаги кўрик-танловларда қатнашиб юрдим. Бу йил эса юксак мукофотга сазовор бўлдим. Бу мукофотни олишимда менга барча ўқитувчиларим катта ёрдам беришди. Айниқса, бошланғич синфда сабоқ берган Санобар Турсунқулова, тасвирий санъатнинг барча сир-асрорларини ўргатаётган Замирахон Жўраевалардан миннатдорман. Улар доимо менга ёрдам беришган, ҳозир ҳам қўллаб-қувватлаб туришибди. Келажакда улар ўйлагандек, орзу қилгандек, мустақил Ўзбекистон равнақи учун хизмат қиладиган инсон бўлишга сидқидилдан ҳаракат қиламан.

Холида МИРЗАҚБАРОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 33-мактаб ўқувчиси

кўтараётган ёшлар ҳам кун келиб, машҳур олим, спортчию рассом бўлиб етишадилар. Улар, албатта, бунга устозлар кўмағида, парваришида эришадилар. Муаллим шундай улуғ, мўътабар зот. Зеро, шоир айтганидек:
Устозни улуғлар ким бўлса улуғ,
Устозга жоиздир ҳамиша қуллуқ.
Қорачиқ қадрини англамоқ кўп соз,
Ўша қорачиқнинг нуридир устоз.

ЎҚИТУВЧИЛАРИМДАН ЖУДА МИННАТДОРМАН

Шу йил 22-26 май кунлари Қозоғистон Республикасининг Алматы шаҳрида бўлиб ўтган "Математик лойиҳаларнинг халқаро мусобақалари" га қатнашдим. Тўртинчи бор ўтказилаётган мазкур мусобақада Америка, Европа ва Осиёдаги 21 та давлатдан 76 нафар тенгдошим қатори мен ҳам ўз юртимнинг шаънини муносиб ҳимоя қилиб, кумуш медаль соҳиби бўлдим.

Бу, албатта, республикамизда ёшларга, уларнинг илмга интилишлари, турли фанлардан халқаро олимпиада, мусобақаларга қатнашишлари учун кенг имкониятлар яратилаётганидан деб биламан. Шунингдек, менинг ана шундай зафар қучишимда, авваламбор, биринчи ўқитувчим Маҳфуза Қаямованинг ҳиссалари катта.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ўқитувчиларимга раҳмат айтмоқчиман, доим саломат бўлишин.

Абдухалил ЭРМАТОВ,
Ангрен Давлат вилоят педагогика институти қошидаги академик лицей ўқувчиси



Мен Қарши шаҳридаги 23-мактабда ўқийман. Физика, математика фанларига қизиқиш билан бирга, энг оммавий спорт турларидан бири — каратэ билан шуғулланаман. Ҳозиргача бир қанча халқаро мусобақаларда иштирок этиб, голиб чиқдим. Бунда

МУАЛЛИМЛАРИМ ЎГИТЛАРИ МЕНГА КўМАК БЕРАДИ

ўқитувчиларим, мураббийларимнинг ҳиссаси катта. Чет элларда мусобақаларда юрганимда ота-онам билан бирга муаллимларимни ҳам соғинаман. Улар ҳам мени ота-онам қатори дуо қилиб, эришаётган зафарларимдан биргаликда қувонишади.

Ҳозир 6-синфда ўқиялман. Худо хоҳласа, орзуларим кўп. Янада нуфузли мусобақаларда голиб чиқиб, юргимиз шаънини кўтариш, етук инсон бўлиб Ватанга муносиб хизмат қилиш энг катта ниятим. Бу борда муаллиму мураббийларим берган ўғитлар менга кўмак бўлади.

Нодир Хўжаев,
каратэ бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони,
Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 23-мактаб ўқувчиси

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг иккинчи босқичи вазибаларни кузатар эканмиз, унда таълим тизимида ўқув методик адабиётларга, таълимий тавсияларга, умуман олганда мазмунга эҳтиёж кучайиб боришини англаймиз. Инчунун, дастурнинг бу босқичида режалаштирилган ишлар залвори, мундарижаси, илмий методик тадқиқотларга дахлдорлиги билан ҳам ажралиб туради.

Ўқув методик адабиётлар ўз вазибалари бўйича таълим мақсади теъдобида муайян уйғунлик касб этади. Моддий, интеллектуал ресурслардан оқилона фойдаланишда ўқув методик мажмуаларга хос ана шу уйғунлик — таснифий (типологик) яхлитлик моҳиятини идрок этиш муҳимдир. Шу муаммо таълим тизимининг барча бўғинларидаги ўқитувчи, мураббийларга, шунингдек, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи илмий методик кенгаш (ИМК) аъзоларига ҳам тааллуқлидир. Шуларни назарда тутиб, ўқув-методик мажмуалар таркиби ва вазибалари юзасидан тавсия сифатидаги фикрларни билдирмоқчимиз.

Таълимда методик қўлланмалар таснифининг тарихан таркиб топган олти тоифаси маълум.

Биринчи тоифага таълим-тарбия билан шуғулланувчи барча мутахассисларнинг илмий назарий салоҳиятини оширишга мўлжалланган умумназарий моҳият касб этувчи қўлланмалар киради. Бундай қўлланмалар фан асосларини мактабга жорий қилиш, уларни ўқувчи онгига сингдиришнинг шакл-усуллари га алоқадор қоидалар, тамойиллар, талаблар ҳамда муаммолар билан муфассал таништирилади. Айниқса таълим-тарбия назариялари, жумладан қонуниятлар, қонунлар, концепциялар, тамойиллар, тадқиқот усуллари, педагогик технология ва дунёқараш оид ғоялар атрофлича изоҳланади.

Иккинчи тоифадаги қўлланмалар алоҳида ўқув фани (предмет)ни ўқитиш, ўрганишнинг умумметодик масалалари бўйича шу ўқув фани ўқитувчисининг касбий тайёргарлигини оширишга бағишланади. Уларда муайян ўқув фанининг мазмун-моҳияти, тарихан шаклланиши, ўқитишнинг шакл ва методлари, унга тегишли дарс ва кўшимча таълим (синфдан ва мактабдан ташқари ишлар)нинг ташкилий жиҳатлари ўз ифодасини топади.

Учинчи тоифа қўлланмаларда муайян ўқув фанига тегишли курсларни ўқитиш технология (методика)си ҳақида сўз юритилади. Бундай қўлланмалар одатда таянч дастур ва дарслик бўйича яратилади. Унда тегишли курсни ўқитиш масалалари яхлит, шунингдек, алоҳида мавзу ва ҳатто алоҳида дарслар бўйича мукамил изоҳланади. Уларда асосан иккинчи ва қисман биринчи тоифа қўлланмалардаги қоидалар муайян педагогик шaroитларга татбиқан мувофиқлаштирилади.

Тўртинчи тоифа қўлланмаларда муайян ўқув фанининг таълим-тарбиянинг айрим муаммолари ечимдаги имконияти ҳамда вазибалари кўрсатиб берилади. Жумладан, миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкура-нинг дунёқараш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ахлоқий, эстетик, иқтисодий, экологик ҳамда меҳнат тарбияси сингари қирралари бўйича йўл-йўриқ, методик тавсиялар берилади.

Бешинчи тоифа қўлланмалар, дарсдан, синфдан ва мактабдан ташқари кўшимча таълим турлари юзасидан факультатив машғуллотлар, экскурсиялар уюштириш, амалий ва лаборатория машғуллотларида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш кабиларга бағишланади.

Олтинчи тоифа қўлланма-

лар муайян предмет ўқитувчисининг илмий-методик маълумотини оширишга йўналтирилган. «Ўқитувчи китоби», «Маълумотнома», «Луғат» кабилардан иборатдир.

Ўқув қўлланмаларнинг юқоридагидек таснифи йиллар давомида шаклланиб, аксарият мутахассислар томонидан эътироф қилинган.

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни хусусан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва шаклланиётган миллий мафкура тақозоси ўлароқ, ўқув-методик мажмуалар қайта яратилаётгани айти мудоа, бироқ у суёт кечмоқда. Албатта, бунда интеллектуал ва молиявий имкониятларни ҳам назардан қочирмаслик лозим. Шунингдек, методик адабиётнинг эркин савдода харидорғирлигига бўлган шубҳа эса нашр ишида журъатсизликка сабаб бўлмоқда. Шу боисдан, бундай қўлланманинг ададини обуна асосида олдиндан аниқлаб, сўнг нашр қилиш маъқулмикан. Аммо уларни чоп қилишдаги расмиятчиликлар ичида апробация жараёни ҳаммасидан ҳам мураккабдир.

ИСЛОХ ҚИЛИШГА ЗАРУРАТ ҲАМ, ИМКОНИЯТ ҲАМ ЕТИЛДИ

Ўқув адабиётларининг сўнгги апробацияси аънанавий ИМК қобигида кечиши демократия ва

табиий-минтақавий хусусиятларини ифодаловчи кўшимча предметлар муайян мактаблардагина ўқитилса, ўқувчиларнинг хилма-хил қобилият ҳамда майлига мувофиқ аксарият ўқув фанларини барча мактабларда муқобил дарслик воситасида табақалаштириб ўқитиш мумкин. Демак барча ўқув фанлари бўйича таянч дарслик қатори муқобил дарслик ҳам амал қилиши одатий ҳолатдир. Аммо ҳозирча бошланғич синфлардаги «Алифбо», «Она тили» ҳамда «Ёзув дафтари»дан бўлак, биронта предметдан муқобил дарслик жорий қилинмади.

Халқимизнинг бағри кенглиги ифодаси ўлароқ, озсонли элат ва миллат вакилларининг она тилларида таълим олишлари имконият яратилиб, Ўзбекистонда умумий ўрта таълим етти тилда олиб борилмоқда. Шу боис ўқув-методик мажмуалар турли тилларда ҳам нашр этилади. Бинобарин ИМКлар ўқув-методик мажмуаларнинг таржималарига ҳам бефарқ бўлмаслиги лозим. Шунингдек, таянч таълим шаклланидиган 22 та ўқув фанидан ҳар бири бўйича ўқувчининг мустақил ўқиши учун юзлаб номдаги адабиётлар, машқ дафтари ва ўқув фильмлар, диафильмлар, диапозитивлар, қанчадан-қанча программалаштирилган методик ишланмалар, митти слайд кар-

ва сиёсат фокусида турувчи географиядек предмет («Жаҳоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси») мана ўн йилдирки, дарсликсий ўқитилмоқда. Республика олимпиадаларида географиянинг бошқа предметларга нисбатан паст ўриндалиги дарсликсий ўқитишнинг касри эмасмикан?

Аънанга кўра, нашрга мўлжалланган қўлёзма муаллиф ишлаётган муассаса тавсияси билан Республика Таълим маркази (РТМ)га тақдим қилинади. У ерда тегишли фан бўйича ИМК ҳукмига ҳавола қилинади. Иш 2-3, баъзида 4-5 та тақриз билан муҳокама жараёнидан ўтгач, лозим топилса, нашрга йўлланади. Баъзида умумий ўрта таълимнинг ўзига хосликларини, унинг заҳмат ва завқини туймаган, «концепция», «таянч таълим», «дастур», «таълим мазмуни», «таълим методи», «таълим формаси» сингари бобокалон тушунчаларни лоақал изоҳлай олмайдиган кишининг махсус педагогик тадқиқот махсули бўлган ишга тақриз бериши кулгили.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаги, жумладан, мустақил таълим тизими эндигина қиёфага кираётган вақтлардаги ишлар моҳияти ва кадрлар салоҳиятини эътиборга олганда, ИМК фаолиятдан бир қадар қаноатланилган бўлса-да, аммо

ёки малака ошириш институтлари қошида ваколатли ИМКлар ташкил этилиши учун зарурат ҳам, имконият ҳам буткул етилди, десак бўлади.

Вилоят ИМКлари нашрга лойиқ топган қўлёзма бевосита вазирлик қошидаги эксперт кенгашга тақдим этилгач, уни қандай мақомда (қўлланма, таъриба-синов материали, таянч ёки муқобил дарслик тарзида) ва қаерда чоп қилинишини вазирлик тендер орқали белгилайди. Дарҳақиқат, таълим жараёнининг юксак савияли дастур, дарслик билан таъминланишдан авваламбор вазирлик раҳбарияти манфаатдор экан, ўқув-методик адабиётларни нашрга йўллашда сўнгги сўзни ИМК эмас, балки вазирлик қошидаги нуфузли эксперт кенгаш ҳулосаси асосида айтиш мантиқан тўғри. Эксперт кенгаш таркибини эса педагогик тадқиқот билан шуғулланувчи, таълим амалиётини шахсан ўтаган, фидоий, одил мутахассислардан танлов асосида шакллантириш ва ошқоралик талабларига амал қилиб, кенгаш аъзоларини таснифий чизгиларда матбуот орқали жамоатчиликка таништирилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЮРАГИ ВАЗИРЛИК БЎЛСА, ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ УНИНГ МИЯСИ

Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти умумий ўрта таълим назарияси билан шуғулланувчи Республикада ягона илмий муассаса ҳисобланади. У мустақил таълим тизимининг концептуал асосларини ишлаб чиқиш, давлат таълим стандарти, таянч ўқув режа каби умумпедагогик, умумдидактик муаммолар ечимида етакчилик қилди. Дастур, дарсликларнинг тузилиши ва ўқув фанларининг назарий асослари ҳамда ўқитиш методикасига алоқадор муаммолар бўйича тадқиқотлар ўтказиб, ўзлигини намоён қилмоқда. Хуллас, умумий ўрта таълим тизимини илмий таъминлаш, илмий педагогик кадрлар салоҳиятини кўпайтиришдек масъулиятли вазифани холи-қудрат адо этмоқда.

Вазирлик қошида тузилажак олий эксперт кенгашга тақдим қилинган қўлёзма бўйича бахс тўхтамаган, шунингдек, дастур ёки дарсликнинг таянч ва муқобилини белгилаш, зарур ҳолатларда педагогика илмий-тадқиқот институти ҳукмига ҳавола қилиш мақсадга мувофиқдир. Ёдингизда бўлса, 1990 йилларда ана шундай эди. Ва у йемига етмаган дарслик қўлланмаларнинг такомиллашувида ижобий рол ўйнаган.

Аммо институт ҳақиқатан ҳам таълим тизимининг мияси ролини бажармоғи учун булар ҳам етарли эмас. Аслида у Республика таълимнинг келажагини илмий башорат эта билиши ва шу аснода педагогик тадқиқот ўтказиб, 15-20 йилдан кейинги «таълимий хизмат»нинг илмий асосланган моделини Вазирликка тақдим этмоғи лозим. Бунинг учун авваламбор узоқ муддатли комплекс педагогик тадқиқотлар дастури яратилиши зарур. Бунда институт етакчи муассаса сифатида мамлакатдаги барча илмий педагогик салоҳиятни ягона мақсадга йўналтиради. Сўнгра дастурдаги муаммолар ечимига қодир мутахассислар танлови эълон қилинади. Шундангина педагогика фани локомоти сифат таълим амалиётини тортиб юради. Аммо мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида ҳам институт шундай дастурга эга эмас. Шундай бўлгач, «амалиёт назариядан ўтиб кетмоқда» дейувчилар кўпаяверади.

Фаёз МУСАЕВ,
педагогика фанлари
номзоди

ЎҚУВ-МЕТОДИК МАЖМУА МУАММОЛАРИ

бозор иқтисодиёти тамойилларига жавоб бермаётир. Ушбу сатрларни ўқиганлар орасида нима бўлса ҳамки дастурлар, дарсликлар ёзилиб, чоп қилинмоқда-ку, яна безовталиқ, эътироз сабаби нимада, дегувчилар топилди.

Бироқ жамиятнинг шитоб билан ривожланишига ҳамоҳанг, мавриди билан ютуқларни имконият ва салоҳиятга қиёслаб туримлик мустақил юрт фуқаросининг эътиқоди бўлмоғи лозим. Эртага иш бошлайдиган Республика ўқитувчиларининг биринчи анжуманидаги маърузаларда айнан шу ҳолат устуворлик қилса ажаб эмас. Шунинг учун ҳам умумтаълим тизимида бўй чўзаётган янгиларни қўллаб-қувватлаш баробарида ўз ирнини ўтаб бўлиб, тараққиётга тўғаноқ бўлаётган унсурларни илғай билиш ва уни бартараф қилиш чора ҳамда усуллари ҳақида фикр юритиш фойдадан холи эмас. Авваламбор дастур, дарслик умуман ўқув методик мажмуа яратилишини бошқариш, уларни муҳокама ва чоп этишга йўллаш амалиётини қайта ўйлаб кўрмоқ лозим.

Шу мақсадда ИМКда апробациядан ўтиши лозим бўлган ишларни чамалаб кўрайлик-чи: маълумки, ўрта умумтаълим мактабларида ўқувчига таянч маълумот берадиган 22 та ўқув фанидан дастур ҳамда дарслик мунтазам нашр қилинмоқда. Айни шунча предметнинг ҳар бирини ўқитиш жараёнида дарсликлардан бўлак яна қанчадан-қанча ёрдамчи дидактик воситаларга эҳтиёж туғилади. Аммо таълим тизимининг рисоладагидек кечишида булар ҳам қифоа эмас.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида «Таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув» тамойили давлат сиёсати мақомида таърифланган. Унинг амалга оширишда давлат таълим стандарти билан таянч ўқув режа воситачилик қилади. Инчунун, Ўзбекистоннинг сиёсий-маъмурий,

талар сингари дидактик воситаларнинг янги-янги авлодларини яратиш ҳали олдинда. Шунчалар кенг қамровли, айни вақтда ўта долзарб ишларнинг тақдири Республика таълим маркази қошидаги ИМКлар измига топширилади.

Юқоридагидек нозик ва ўта масъулиятли вазифанинг одил ва холис ижро этилишига кафолат борми? Ахир ИМК аъзоларининг хатоси ёки лоқайдлиги туфайли юз минглаб ададда нашр қилинган дастур ёки дарслик лоақал бир айланма (цикл) муддат истеъмолда бўлмасдан бекор қилинса, йўқотилаётган моддий-маънавий зарарга қим жавоб беради?

Жавоб битта — фаолияти жамоатчилик асосида кечгач, масъулият ҳам шунга яраша-да. Дарҳақиқат, масъулиятсизлик оқибати ўлароқ баъзи дарсликларнинг титул varaғида «мактаб ўқувчисига» ёки «ўрта таълим муассасасига мўлжалланган» деган ёзув бўлмаса, уни муайян фан монографиясидан фарқлаш қийин. Уларда компонентал ғариблик, илмий таъриф ва қоидаларнинг талқинида академик услуб устуворлиги ҳамон сақланиб қолмоқда. Зеро, дарслик нашрини пайсалга солиш ёки амалдагисининг ундан ғўр қўлланмага қурбон қилиниши кечириб бўлмас ҳол. Хўш, нега шундай? Авваламбор, ИМК аъзолари ичида шу вазифага лаёқатлилар сони ниҳоятда оз. Муайян фан (айтайлик, адабиёт ёки география) бўйича мутахассис эканлиги учунгина ИМКга аъзо қилиш тўғри эмас. ИМК аъзосига қўйиладиган бу талаб мезоннинг энг қуйи поғонаси ҳолос. Бундайлар орасида илм-фанни, фан билан ўқув фанини фарқлай олмайдиганлар исталганча топилди.

Методик жабага ана шундай лоқайд муносабат ҳамда шахсий адоват, орқаваротдан ўз-ўзини мақташлар оқибатида ўқув-методик мажмуалар шаклланиши қийин кечмоқда. Ҳатто мафкура

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» истеъфодаси чуқурлашган, ўқув-методик адабиётларга, таълимий тавсияларга тобора эҳтиёж кучаяётган айни кунларда аънанавий ИМК таълим тараққиётга, хусусан унинг демократлашуви тўғаноқ бўлиши муқаррар. Шу боисдан бўлса керак, Халқ таълими вазирилик қошида дарсликлар яратиш ва нашр қилиш ишига масъул эксперт кенгаш ташкил этиш ҳақида фикрлар билдирилмоқда. «Маърифат»да, «Таълим тараққиёти»да эксперт кенгашининг тузилиши ҳамда ваколатини ифодаловчи низом ҳам эълон қилинди. Бундан узлуксиз таълим тизими юксалаётгани ва айни вақтда ИМК фаолиятдан қаноат ҳосил қилинмаётганини англаш мумкин. Республика таълим маркази қошидаги ИМК муҳокамасидан ўтган ишлар эксперт кенгаш ҳукмига ҳавола қилинса, шубҳасиз энг долзарб, юқори савияли ишларнинг чоп этилишида холислик, адолат мезонлари жиддий кафолатланади. Аммо ИМКларнинг биргина Республика Таълим Маркази қошида фаолият кўрсатишдек амалиёт давом этаверса, ортиқча расмиятчиликлар ҳамда пойтахтдан олислиги туфайли вилоятлардаги илмий-педагогик салоҳият ўзлигини намоён қила олмай қолаверади. Бундан нафақат ижодкор, балки жамият зарар кўради. Демак, бирдан бир чора вилоятларда ҳам ИМКлар фаолият кўрсатишига йўл бермоқликдир. Истиқлолнинг дастлабки йилларида Президент фармони билан вилоятларда ташкил этилган университетларда замонавий моддий-техник база ҳамда интеллектуал салоҳият шаклланди. Барча вилоят таълим ходимлари малакасини ошириш институтларида ҳам илмий даражага эга мутахассислар етишиб чиқди ва бундай институтлар ҳам кафедрал усулида фаолият кўрсатмоқдалар. Хуллас, вилоятлардаги олий ўқув юртлари

БЕШИНЧИ УЧРАШУВ

Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов июль ойининг иккинчи ярмида Римда АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл билан учрашади. Уларнинг мазкур учрашувлари Генуяда бўладиган катта саккизлик давлатлари раҳбарларининг саммитидан аввал ўтказиладиган мазкур мамлакатлар ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарларининг кенгаши доирасига тўғри келади. Ҳозирга қадар И.Иванов ҳамда К.Пауэллар Қоҳира, Париж, Вашингтон, Люблина шаҳарларида музокаралар олиб борганлар, дея хабар беради "Интерфакс".

ЁРДАМ
ТЎХТАТИЛИШИ
МУМКИН

Ассошиэйтед-Пресс агентлигининг хабар беришича, Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ир ўз ваъдасига мувофиқ Сеулга ташриф буюрмас, у ҳолда Жанубий Корея расмий Пхеньянга молиявий ва озиқ-овқат маҳсулотлари борасида кўрсатаётган ёрдамни тўхтатиши мумкин.


Ўтган йили икки давлат раҳбарлари Пхеньянда учрашган ва ўшанда Ким Чен Ир келгусида Сеулга боришини айтган эди. Аммо, у ҳозирга қадар Ким Дэ Чжуннинг таклифларини эътиборсиз қолдириб келмоқда.

ТИНЧ АҲОЛИ
ЖАБРАНДИ

"Рейтер" агентлигининг хабар беришича, Америка ва Буюк Британия самолётлари Ироқ шимолидаги Мосул шаҳрига ҳужум уюштирганлар. Мамлакат ҳукуматининг маълум қилишича, ҳужум оқибатида 23 нафар киши ҳалок бўлган ва 11 киши жароҳатланган. Айни шу пайтда юқоридаги жабранганлар шаҳар стадионларининг бирида футбол ўйнаётган эдилар.

ҚЎШИМЧА КУЧЛАР
КИРИТИЛАДИ

НАТО Бош котиби Жорж Робертсон АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл билан учрашди. Музокара чоғида асосий эътибор албан жангариларини қуролсизлантириш режасига қаратилди. Мазкур режага мувофиқ, яқин кунларда НАТО-



нинг 2500 кишилиқ ҳарбийлари Македонияга киритилади. Уларга қўйилган ягона вазифа жангариларнинг қуролсизлантирилиши ва Косово ёки аввал яшаган жойларига қайтишларини назорат этишдир.

ЯНА БИР ТАЪҚИК

"Толибон" ҳаракати мамлакат аёллари устидан яна бир таъқиқни жорий этишди. Унга кўра, афгон аёллари БМТ дастури асосида қурилган новвойхоналарда ишлашлари мумкин эмас. Боиси, ўзга дин вакиллари назорат қиладиган иш жойларида мусулмон заифаларининг меҳнат қилишлари ислом ақидаларига тўғри келмас эмиш. Бунинг натижасида эса БМТ Афғонистонга кўрсатаётган инсонпарварлик ёрдамни тўхтатишга мажбур бўлди.

РУС САМОЛЁТИДА
АМЕРИКАГА

"Новости" ахборот маҳкамасининг хабар беришича, 1 апрел куни Хитойнинг Хайнан оролига қўнишга мажбур бўлган Американинг "Ер-3" жосус самолётини қисмларга бўлиш жараёни бошланди. Тахминларга кўра, бир неча ҳафтага чўзиладиган саранжомлаш ишлари тугагач, у Россиянинг "Полёт" авиакомпаниясига қарашли "Ан-124 Руслан" ҳаво тайёрасига юкланиб, уммон ортига олиб кетилади.

ОПЕКДА КЎРИЛАДИ

Ироқнинг нефт экспортини тўхтатиши халқаро бозорда "қора олтин" нархининг кўтарилишига таъсир этмоқда, дея хабар берди "Рейтер" агентлиги.

Бундай шароитдан чиқиш учун Америка ҳукумати ОПЕК ташкилотидан нефт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни сўраб мурожаат этди. Хабарларга қараганда, ушбу масала 3 июль куни бўлиб ўтадиган ОПЕКнинг навбатдаги учрашувида кўриб чиқилади.

ЁРДАМ
ТЎХТАТИЛДИ

Анголадаги UNITA исёнчилар гуруҳи БМТнинг озиқ-овқат агентлиги маҳсулотлари юкланган самолётга ҳужум қилишгани боис, мазкур агентлик инсонпарварлик ёрдамни вақтинча тўхтатишга мажбур бўлди. Уларнинг фикрича, Ангола ҳукумати ҳаво кемаларининг ҳавфсизлигини таъминлаган тақдирдагина ёрдам кўрсатиш давом эттирилади.

Президент Эдуардо Душ Сантушнинг халқаро ҳамжамиятдан UNITAга таъсир ўтказишни сўраб қилган илтимоси эса, ҳозирча натижа бергани йўқ.

ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ

"Дойчэ-Велле" радиосининг хабар беришича, Покистон генерали Парвез Мушарраф мамлакатнинг янги президенти сифатида қасамёд қабул қилди.

Хабарларга қараганда, янги раҳбар июль ойида бўладиган Ҳиндистон-Покистон саммитида Кашмир можаросини ҳал этишни режалаштирмоқда.

Жамият тараққиётини таъминлашда миллий ўзига хослик, халқнинг урф-одатлари, дунёқараши, маданияти алоҳида ўрин тутаяди. Хусусан, халқимиз турмуш тарзига хос бўлган жамоавийлик ҳам бозор муносабатларини жорий этишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Зеро, ислохотлар даврида шахс ва жамоа муносабатлари ижтимоий ҳодиса сифатида жамият ҳаётининг статик ва динамик ҳолатларини, тақомиллашув жараёнларини аниқ ифода қилади.

Жамоавийлик ҳақида сўз юритилар экан, аввало ушбу ҳодисанинг жамият ривожидида муваффақиятида шахс таъсирини ҳам унутмаслик лозим. Бу ўринда мулк эгаси бўлган эркин шахснинг янги жамиятдаги ўрнини белгилаш, у билан жамоа ўртасидаги муносабатларда риоя этиладиган маънавий ва ахлоқий мезонларни аниқлаб олиш лозим. Чунки шахс ва жамоа муносабатларидаги маънавий негизлар миллий қадриятларнинг тикланиши ва янги-ча ахлоқ меъёрларининг қарор топишида асос вазифасини ўтайди.

Таъкидлаш жоизки, шахс ва жамоа, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларда мувозанатни таъминловчи асосий куч маънавият ҳисобланади. Зеро, ҳар бир шахснинг одамлар билан ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, дўстона муносабатга интилиши маънавият белгиси ва жамиятнинг ўзи ҳам кишилар ўртасидаги маънавиятга асосланган муносабатлар ифодасидир. Қолаверса, шахс маънавияти жамоа ва жамият маънавиятининг таркибий қисми бўлиб, шахснинг маънавий камолоти жамиятда мавжуд бўлган кўп қиррали муносабатлар—шарт-шароитлар, имкониятлар негизида шаклланади. Ўз навбатида, жамоа ва жамиятнинг маънавий камолоти шахснинг маънавий камолотига асос бўлади, яъни жамиятда маънавий иқлимнинг ўзгариши учун муайян шарт-шароит етилгандагина шахс

ёки жамоа ҳаётида янгиликлар ва ривожланиш рўй беради. Шу билан бир қаторда шахснинг манфаати жамоа ва жамият манфаати билан уйғунлаштирилмас экан, ҳар қандай пухта ўйланган дастур ҳам қутилган натижа бермайди. Биз бугун боқимандалик ва тенгпарастликдан воз кечиб, ижодий интилишни, шахс ташаббусини рағбатлантиришимиз, унинг манфаатлари жамоа ва жамият манфаати билан уйғунлигига эришишимиз лозим. Аслида, айни уйғунлик жамоавийликнинг бош мезони ҳисобланади.

Маълумки, юртимизда жамоавийлик шаклланишининг моддий-иқтисодий омиллари табиий иқлим шароити, суғориладиган деҳқончилик маданияти, маънавий негизлари эса айнан шу моддий-иқтисодий ва табиий

ЖАМОАВИЙЛИК
ВА ТАРАҚҚИЁТ

иқлим шароитлари талаб этувчи ўзаро ёрдам, хайрихоҳлик, ўзгалар ҳақида хиёнат қилмаслик, ҳалоллик, меҳр-оқибат каби маънавий мезонларга бориб тақалади.

Тарихан таркиб топган жамоавийлик нафақат шахсни уюшувга ундайди, балки уюшган ҳолда ҳам кишининг шахс сифатидаги бир бутунлиги барқарор турмоғи, жамоавий интеграция доирасида ҳам руҳий яхлитлик сақланмоғи, умумий бир бутунлик кўплаб мустақил яхлитликлар йиғиндисидан иборат бўлмоғи кераклигини ёрқин ифода қилади. Жамоада шахс барқарорлиги емирилмайди, умумий интилишлар негизига қурбон қилинмайди, балки мантқиқий мувофиқлик доирасида уйғун бирлашув жараёни табиий равишда амалга ошади. Айни чоғда жамоа хоҳиш иродасига кўра, шахснинг алоҳида жонбозлик кўрса-

тиши рағбатлантирилади. Халқимиз турмуш тарзида шахснинг индивидуал эркинлиги чекланмасдан, унинг фақат жамоа доирасида эркин ва озод бўлишига шароит яратилган. Шу билан бирга жамоавийлик шахс зиммасига шаклланган қарашлар, анъана ва урф-одатлар мантиғидан келиб чиқувчи кўпгина талаб ва мажбуриятларни юқлайди. Булар жамоада ўзликни англаш, мақсадга интилишда камтарлик ва камсуқумлик, эл-юрт ташвишини ўз ташвишидан устун қўйиш каби билардир.

Жамоа — муҳит. Соғлом жамоа соғлом ижтимоий-маънавий муҳит демакдир. Бу ерда киши тафаккури,

қодга мансуб одамларни ҳамжиҳат ва ўзаро манфаатдорлик асосида уйғунлаштиришга ўргатади.

Шунингдек, жамоа муҳитида амал қилувчи маънавий мезонлар шахсий ва жамоавий тақомилга, меҳр-муҳаббатга асосланган яқдилликка олиб боровчи омил вазифасини ўтайди. Улар жамоадаги турли фикрлар, хилма-хил англаш ва идрок этишларни мувозанатлаштиради ҳамда жамоани парокандалиқдан асрайди. Унинг барқарор ривожланишига шароит яратади. Шу маънода мамлакатимизда Фарб мамлакатлари тасаввурига монанд бўлган шахс демократиясига эмас, жамоа бўлиб яшаш руҳи устунлигига алоҳида аҳамият берилаётгани эътиборга лойиқдир. Бу ҳол жамиятда қонунчилик ҳамда ҳокимият тартиботлари амал қилишини кенг омма онгига сингдиришда муҳим аҳамият касб этади ва пировард натижада жамоавий демократия устуворлигига олиб боради.

Тўғри, тарихимизда жамоавийликнинг жамият тараққиётига тўсиқ бўлган ўринлари ҳам йўқ эмас. Бизнингча, жамиятнинг турғунлашишига кўп ҳолларда жамоавийлик эмас, аксинча иқтисодий ночорлик ҳамда маънавий ҳаётдаги назарий ва мафкуравий догматизм сабаб бўлган. Бугунги кунда халқимизнинг маънавий юксалиши йўлидаги муҳим вазифалардан бири ҳам айнан шу ижтимоий турғунликка мойиллик кайфиятини энгши ҳамда жамоа бўлиб яшаш руҳи устунлигини барқарор қилиш масаласидир. Зеро, жамоавийлик иқтисодий ютуқларга эришишда ҳам, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳам, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва тўлақонли демократия вужудга келиши учун ҳам муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Худойназар ДЎСТҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат ва
жамият қурилиши
академиясининг тингловчиси

ТАНИҚЛИ СОБИҚ ҲАҚИДА ҲАҚИДА



Ўткир ҚОШИМОВ —
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:


— Чархпалак бир жойда туради, сув томчиларини кўтариб юқоридаги оқимга йўллаб айланаверади. Лекин унинг челақчаларидан чиққан митти жилғачалар ҳеч қачон чархпалакнинг қошига қайтмайди. У эса, бундан ўксинмайди, айланишдан тўхтамайди. Ўқитувчини ҳам ана шу чархпалакка ўхшатгим келади. Неча шогирдларни нурга бурқаб порлоқ манзилларга йўллайверади. Ҳеч қачон, ҳеч қайсини-сидан мурувват кутмайди. Мабодо шогирдларидан бири унга эҳтиёж сезиб келса ёки йўқлағудек бўлса, ўзидаги ҳамма чарчоғу дардларини шу ондаёқ унутади.

Устозларга эҳтиёж сезиш ҳақиқий шогирдларга хос нарса. Уларда ўз устозларига нисбатан ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш ҳаммаша юқори бўлади.

Акобир ҚУРБОНОВ —
кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони, самбо бўйича 5 марта жаҳон, 4 марта Осиё чемпиони:

— Қўлимга илк бор қалам тутқазиб, ўқишни, ёзишни ўргатган муаллима олдида бир умр қарздорман. Менинг шу даражага етишимда нафақат биринчи ўқитувчим, балки мактабнинг барча ўқитувчиларининг ҳиссаси катта бўлган.

Умрлари узоқ бўлсин, соғ бўлишсин. Ўқитувчилар ва ўқувчилар бир-бирларидан рози бўлсинлар. Муаллимларга куч-қувват тилайман, бўлғуси чемпионларни тайёрлаш йўлида чарчамасинлар.



Эркин АЪЗАМ — "Тафаккур" журнали бош муҳаррири:

— Бойсунда бир эрхотин бор. Иккаласи ҳам ўқитувчи. Шулар "Одобнома" деган китоб ёзди. Уларнинг китоби танловда ютиб, босилиб чиқди. Бу эрхотин тинмайди, қишми, ёзми — кириб келаверади: "Яна китоб ёздик", деб. Уларнинг ёзганлари танловдан ўтаверади.

Улар ҳали-ҳамон ўз касбларини муқаддас билади, қўллари совимаган. "Ўқиган билан нима бўларди, гап пулда!" деган қарашлар уларни чалғитгани йўқ. Уларда ҳали-ҳамон бокира бир эътиқод, интилиш сақланиб қолган. Улар — ҳаётдаги қаҳрамонлар. Уларнинг уйидаги кутубхона ҳар қандай профессорнинг уйдан тополмайсиз, ёзув машинкалари бор, ўзлари ёзади, ўзлари муқовалайди — ҳавасингиз келади... Мана шундай ўқитувчиларимиз бор, улар кўпчилик. Эртанги кунимиз шундай фидойи ўқитувчиларга ҳам боғлиқ-да.

Озод ШАРАФИДДИНОВ — "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири:

— Мактабни ислоҳ қилмоқчи бўлсак, маърифатли, ҳар томонлама етук, ҳақиқий инсонни етиштирмоқчи бўлсак, ҳалол, Ўзбекистоннинг порлоқ келажagini яратишга қодир инсонлар бўлсин десак, ёшларни билимли қилиб тарбиялашга интиласак, ўқитувчига билим билан бирга катта виждон, тўғрилиқ, ҳалоллик керак. Муаллим ўзини инсон сифатида жуда катта мақомда деб билиши шарт.

Ҳар қандай тузум, ҳар қандай жамиятда ҳам ҳамма касб эгаларининг феъл-атвори ўзгариши мумкин. Лекин ўқитувчи ўзгармаса керак.

Шу маънода, бугун мактабда тоза кўнгил билан, покиза эътиқод билан, шу болалардан келажакда яхши инсонлар чиқади, деб ўзидаги эътиқодни, билимни синдириш учун ҳаракат қилаётган муаллимларга раҳмат дейман. "Маърифат"нинг бугунги кундаги хизматини кўриб, кузатиб турибмиз. Маърифат, маънавият, адабиёт ҳақида газетада бериб борилаётган суҳбатлар менда катта қизиқиш уйғотади. Мен ҳамкасбларга, газета фидойиларига омад тилайман. Шу йўлдан кетсак ютқизмаймиз, деб ўйлайман.

Хуршид ДАВРОН —
шоир, публицист:

— Устоз — бу ҳаётда, ижодда, мактабда, оилада йўл кўрсатувчи машғаладир. Инсон неча ёшда бўлмасин, доимо устозга муҳтожлик сезади. Ва ҳеч қачон илк устозини унутмайди.

АНЖУМАН МУБОРАК,
УСТОЗ, МУАЛЛИМ

*Юртимиз узра отиб яна гўзал тонг,
Устозларни чорлаб Ватан урар бонг.
Жамол — жамолдир бунда ақл, шўғр, онг,
Маърифатдан қарак қадридон элим,
Анжуман муборак, устоз, муаллим.*

*Юртимизнинг тўғри бугун сизнинг тўғрингиз,
Келажак меваси фикригиз тўғрингиз,
Бугун дунё кўрсин баста тўғрингиз,
Тлаърифрингиз учун ожиздур тилим,
Анжуман муборак, устоз, муаллим.*

*Сараларнинг сараси йиғилиб бугун,
Мақсадингиз етмоқ, муаллимо, тўғун.
Муштақил юртимиз эртаси учун,
Фарзандларга бугун берайлик таълим,
Анжуман муборак, устоз, муаллим.*

*Сиздан амал топар, бугун илму фан,
Келажакка машғал бўлсин анжуман,
Чунки авлодларга насиб бу Ватан,
Қўйини бўлсин мангу, боғлари сўлим,
Анжуман муборак, устоз, муаллим.*

Юсуф ШОДИЕВ,
Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги 8-ўрта
мактаб ўқитувчиси




Турсуной СОДИҚОВА —
"Маънавият ва маърифат" кенгаши бўлим муди-
раси:

— Ўқитувчиларимиз ҳақида: уларни жуда юқорида кўрардик. Олдиларидан кесиб ўтолмас, яккама-якка қолсак, тилимиз тутилар эди. Фалон муаллим яхши дарс беролмаган деган гапни уларнинг бирортасига раво кўрмайман.

Жуманиёз ЖАББОРОВ —
истеъдодли шоир ва дра-
матург, таниқли таржимон:

— Муаллимлик менинг назаримда, энг буюк ва савобли юмушлардан бири. Ўқитувчи ҳали гард тегмаган оппоқ қоғоз мисоли беғубор бўлган болаларни мактаб кучоғига, демакки, ўз кучоғига ҳам олар экан, уларга биринчи бор дунё сирларини очган инсон сифатида нега, нима учун, деган саволларга ҳам жавоб топиб бериб, мурғаккина болалар тасавурида энг ақлли, энг доно, энг меҳрибон киши сифатида шаклланади.



Тоштемир полков МУҲАММАДИЕВ —
кураш бўйича жаҳон чемпионати-
нинг биринчи ғолиби:

— Муаллимлар бири-биридан содда, самимий инсонлар. Мен уларнинг ҳаммаларини ҳурмат қиламан, уларнинг ҳар қандай хизматларини дилдан бажараман.



Лутфулла САЪДУЛЛАЕВ —
Халқ таълими аълочи-
си, актёр:

— Қўлга қалам бериб, энг аввал Она, Ватан каби сўзларни ўргатган устозларимизнинг ўзлари ҳам онадек қадрли, ватандек мўътабар бўлишсин. Мен "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" кўрсатувида кўплаб муаллимлар образини яратганман. Ролимни ижро этиш жараёнида мактабларга бериб, ўқитувчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари, ишлари билан яқиндан танишганман. Ўшанда мураббийлик нақадар масъулиятли, нақадар қувончли касб эканлигини ҳис қилганман. Муаллимлар доимо соғ бўлишсин. Ва ўз ўқувчиларини театрларга, санъат даргоҳларига олиб келишни хаёлларидан фаромуш айлалашсин.



Санобар РАҲМОНОВА — санъаткор:

— Мен барча касбдаги кишиларни ҳурмат қиламан. Лекин, асосан мураббийларни, ўқитувчиликнинг барча қийинчиликларига чидам ва матонат билан бардош бераётган кишиларни жуда-жуда ҳурмат қиламан ва қадрлайман. Дам олиш кунлари фарзандларимиз шўхлик қилиб, болалик қилиб сал гашимизга тегса, асабларимизни чарчатиб юборса, яқшанба кунни ҳам ўқисанг нима қиларди, деб айтиб юборамиз. Ёки яқшанба кунни ҳам боғчанг ишласа бўлмасмикан, деб нолиб қўямиз. Ўқитувчиликни жуда машаққатли юмуш дедик, бу жуда тўғри.

Ўз ҳузур-ҳаловатидан кечиб бизнинг фарзандларимизга таълим-тарбия бераётган устозларга, энг аввало соғлиқ тилайман. Уларнинг тарбия қилаётган, таълим бераётган ўқувчилари ҳеч қачон мураббийлари юзини ерга қаратмасин. "Устозингга раҳмат" деган сўзнинг ўзиёқ ўқитувчиларни қанчалик юксакка кўтаришини, уларни меҳнат қилишга, бировнинг боласини ўз фарзандидек бағрига босишга ундайди.

Барча устозларга минг бора ташаккур. Бизга қалам тутқазиб, ҳарф ўргатганликлари, дунёни танитганликлари, ҳаётга бўлган муносабатларимизни ўзгартирганликлари учун.

ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ

Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган фестивалнинг ана шундай номланганлигини биласиз. Қашқадарё, Наманган, Навоий вилоятларидан сўнг Республика Бадий академиясида Бухоро вилояти вакиллари вилоятнинг ўтмиши, бугуни, истиқболдан ҳикоя қилувчи кўргазмалар билан қатнашишди.

Фестивалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов, Олий Мажлиснинг фан, таълим ва маданият масалалари бўйича қўмити раиси

Н.Жўраев, Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари Н.Очиловлар сўзга чиқиб, мустақиллик яратган имкониятлар, Бухоро халқининг урф-одат ва анъаналарига содиқлиги ҳақида гапирдилар.

Бухоро азал-азалдан ўзининг зардўзлик, мисгар усталари, ноёб ва бетакрор обидалари билан ном қозongan. Фестивалда намойиш этилган экспонатлар: зардўзлик, кулолчилик, темирчилик, гиламчилик маҳсулотлари, шойи матолар намуналари кўҳна Бухоронинг бугунги куни ва эртасини томошабин-

лар кўз олдида намён этди.

Айниқса, хунарманд Н.Анисимов ясаган бронза ва қумуш идишлар томошабинларда катта завқ ва шавқ уйғотди.

Биз зардўзликнинг ноёб намунаси бўлган сўзаналар билан фестивалда қатнашаётган Бухородаги "Садбар" номли қизлар маркази раҳбари Маҳфуза Салимовани суҳбатга тортдик.

—Бизнинг марказимизда 12 киши меҳнат қилади. Кўриб турганингиз мана шу иккита ишимизни зардўзликнинг 72 усулидан фойдаланиб икки йилда тикиб тугатдик. Буни тикиш усу-

ли, нақшлар танлай олиш, мунчоқ ва безакларни ўз ўрнида ишлата олиш тикувчидан катта масъулият ва юксак дид талаб қилади. Қизларимизнинг ҳаммаси ўз ишини пухта ва чин юракдан бажаришганини мана шу ишлардан ҳам кўрса бўлади.

Инсоният ҳаётида хунармандчилик жуда муҳим ўрин эгаллаган. Бухоро халқининг ўзига хос, миллий анъаналар билан уйғунлашиб кетган хунармандчилиги намуналаридан томошабинлар баҳраманд бўлишди.

АСАР ЯНА
САХНАДА


Рустам Маъдиевни "Муқимий" номидаги Ўзбек давлат музыкали драма театри режиссёри, бир қатор каттакичик роллар ижросиси сифатида яхши танийсиз.

Унинг асари асосида сахналаштирилган "Девона" деб номланган спектакль бир пайтлар томошабинлар қалбидан чуқур жой олган эди. Қисқа муддатли танаффусдан сўнг бу асар яна театр сахнасида намойиш этила бошланди.

Мазкур асарда инсон қадр-қиммати, меҳр-шафқат каби инсоний тушунчалар, ҳою ҳаваслар асирга айланган кишилар тақдири ҳикоя қилинади.

Спектакль Р.Маъдиев томонидан сахналаштирилган. У барча томошабинларда катта таассурот қолдиради, деб умид билдирамиз.

Муҳаббат СОЛИЕВА



Биз бугун сахнада ҳам, ҳаётда ҳам камтаринлиги, самимийлиги боис ўзининг доимий мухлис-ларига эга бўлган, содда, шўхчан кўшиқлари билан барчамизнинг қалбимиздан ўрин эгаллаган, халқимизнинг сеvimли хонандаси Азим Муллахонов билан суҳбат уюштирдик.

«ҲАММА ҲАМ САНЪАТКОР
БЎЛАВЕРМАЙДИ»

—Азим ака, сизни машҳурликка етаклаган "Вафо қилурсиз" кўшигининг яратилиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз...

—Бу кўшигим 1980 йилда яратилган. Восит Саъдулланинг "Вафо қилурсиз" деб номланган шеъри ёқиб қолган эди. Кейин унга куй басталаб, радионинг мусиқа бўлимига олиб борганман ва бу кўшиқ биринчи бўлиб радиода таралган. Мухлислар эътиборига ҳам ўшанда тушган.

— Санъат соҳасида сизнинг ўзига хос услубингиз бор. Бошқаларникига ўхшамайди, услуб яратишда сизга кўпроқ кимлар ёрдам беради?

— Менга азиз ва муҳтарам онам ёрдам берадилар, шеърларни, асосан, ўзим танлайман. Уларнинг маъно-мазмунига, соддалигига, халқ дардига қанчалик яқинлигига катта эътибор бераман. Куйларини ҳам ўзим басталайман. Хуллас, ўз устимда жуда қаттиқ ишлайман.

— Асл замонавий кўшиқлар, сизнинг назарингизда, қандай бўлиши керак?

—Асл замонавий кўшиқлар миллий оҳангларга бойлиги билан ажралиб туриши, яъни ўзининг қайси миллатга мансублигини очик намён этиши керак.

—Оғир вазиятларга тушиб қолган пайтларингизда сизда бу соҳани тарк этиш фикри туғилганми?

— Ёшлигимда авиаконструктор бўлишни орзу қилганман. Баъзи инсонларнинг санъатга нисбатан паст назар билан қарашлари, фикрлари менда бундай ниятнинг туғилишига сабаб бўлган. Лекин Оллоҳга беадад шуқурлар бўлсинким, бу соҳада фаолият юритаётганимдан фахрланаман.

—Азим ака, мухлисларингиз оилангиз тўғрисида ҳам билишни истайдилар...

—Турмуш ўртоғим Матлубахон уй бекаси, уч фарзанднинг онаси.

—Мухлисларга тилақларингиз...

—Доимий яхши кайфият ва бахт, хонадонларида яхши кунлари кўп бўлишини тилайман.

Райхон ХОЛМУРОВОВА
суҳбатлашди.

УЎРАШУВ

Абдулла Авлоний номидаги республика ўқитувчилар малакасини ошириш марказий институтида ўтказилган шеърят кечаси шоир, халқ таълими аълочиси Икром Отамурод таваллудининг 50 йиллигига бағишланди.

Кечада шоирнинг ўзи ва бир гуруҳ ижодкор дўстлари ҳамда шогирдлари иштирок этишди.

—Менинг адабиёт саҳнасида чиқишимда Икром Отамуроднинг хизматлари улкан,—дейди ўз сўзида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг шеърят бўлими маслаҳатчиси Рустам Мусурмон. —Чунки, у кишининг саъй-ҳаракати билан шеърларим илк мартаба катта матбуот юзини кўрган эди.

Ҳа, ўша куни сўз олган ҳар бир киши адабиётимизда ўзига хос ўринга эга бўлган "Вақт", "Тўғрайли манзиллар", "Сен", "Рухмининг қайғуси" каби кўплаб шеърини тўпламлар муаллифи Икром Отамурод шаънига илиқ фикрлар билдириб, унга узоқ умр, ижодига эса барака тилашди.

Б.ЖОВЛИЕВ

ҲОЗИРЧА
"СОГИНЧ" БИЛАН...

Инсоният ҳар доим ахборотга ташна бўлиб келган. Одамлар орасидаги "эшитдингми,... эмиш"ларнинг асосий сабаби ҳам шунда. Бугунги жамиятда матбуот, журналистика мавжуд. Бирон нарса тўғрисида билмоқчи бўлган одамга миш-мишларнинг ҳожати йўқ, унга холис ахборотни матбуот етказди.


Миллий матбуот маркази ташкил этилгандан бери бирон кунини ҳам бўш ўтказгани йўқ. Бу ерда турли матбуот анжуманлари, янги нашрлар тақдимотлари бўлиб ўтмоқда. Кувонарлиси, сўнгги пайтда МММда машҳур санъаткорларнинг журналистлар билан юзма-юз мулоқотини ўтказиш ҳам урф бўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова икки йилдан буён ўзининг янги концерт дастури намойиши олдидан матбуот анжумани ўтказди.

Журналист сифатида Миллий матбуот марказида ўтказилажак яна бир тадбир ҳақида эшитиб, бир мухлис

сифатида мамнун бўлдим. Севимли санъаткор билан юзма-юз бўлиш имкони туғилган эди.

20 июн куни Миллий матбуот марказида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Номозовнинг "Соғинч" деб номланган янги аудио-видеокассеталари ҳамда компакт-дискнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тошкент маданият институти доценти Ўрозали Тошматов санъаткор ижодининг ўзига хос томонлари, "Сурхон" гуруҳининг тузилиш тарихи ҳақида гапиргандан сўнг журналистлар М.Номозовга ўзларини қизиқтирган саволларни бердилар. Мулоқот асносида "Соғинч"га жамланган янги кўшиқлардан баъзилари кўйиб берилди. Бизни энг тўлқинлантиргани Ўрозали домланинг сопол най, қамиш най, сибизга каби қадимги асбобларда М.Номозов кўшиқлари оҳанглари ижро этиб бергани бўлди.



Икки оғиз "Соғинч" ҳақида: CD—диск, аудио ва видеокассеталар "Yitko" фирмаси ҳомийлигида чиқарилган бўлиб, унга хонанданинг 14 кўшиги ҳамда "Сурхон" гуруҳининг доимий бошловчиси Рустам Хотамовнинг оналарни мадҳ этувчи 2 қасида-си жамланган. Кўшиқлар орасида хонанданинг машҳур бўлиб кетган "Соғинч", "Бу дунё", "Оху вох", "Гулдона" композициялари билан бирга бир қатор янги кўшиқлари ҳам бор. Санъаткордан янада янги-янги кўшиқлар кутиб қоларканмиз, ҳозирча "Соғинч" билан чекланамиз. Нима дедингиз?

Хусан КАРВОНЛИ

МОМОМ АЛЛА АЙТГАНДА...

Турли тилда айтилса-да, мақсади бир хил бўлган кўшиқ бор. Бу алладир. Онанинг ўз нуридийдасига булган меҳрини ифодаловчи бу кўшиққа дунёдаги жамики эзгу тилақлар сингдирилади. Халқимизда қадимдан шундай гап бор: "Алла эшитиб улгайган боладан ёмонлик чиқмайди".

Ривоят қилишларича, одамларнинг ҳаёти қил устида турган бир пайтда Оллоҳ Жаброил (А.с.)ни жўнатган экан. Ҳамма кўрқувда, юраклар така-пука. Олис-олислардан ҳазин ва мунг-

ли бир кўшиқ таралибди. Бир она алла айтиб, боласини ухлатишга уринаётган экан. Жаброил (А.с.) тош қотибди, ҳали у бундай кўшиқни тингламаган экан.

Оллоҳ Жаброилни чақириб, вазиятни сўрабди. Шунда у ҳам хомуш ва ғамбода қиёфада эшитгану кўрганларини ҳикоя қилиб, ўша аёл ҳамда фарзанди учун қиёмат қойимни тўхтатишини сўрабди. Оллоҳ ҳам бу ҳолатга гувоҳ бўлиб, барча она-

лар ва болалар учун балони даф қилибди.

... Менга бу ривоятни қадим Нурота тоғ ён бағирларида жойлашган Тутли қишлоғида яшов-

Oltin meros

чи 85 ёшли Тошбуви момо Ҳамроева ҳикоя қилиб берди. Онахон сўзининг охирида шуни кўшиб қўйди:

—Оналар алла айтиб, Оллоҳга яқинлашадилар. Икки

сўзнинг бир-бирига ҳамоҳанглиги ҳам шундан далолат беради. Мен ҳамма болаларимни алла айтиб катта қилганман. Шукрки, улар элнинг олди.

... Мен алаларни ҳамон хотирасида сақлаб юрган момога ҳавас билан қараб қолдим. Нуроний чехрасидаги ажинлар гўёки ҳаёт қийинчиликларида беҳад тобланганини кўрсатиб турибди. Момо менинг не мақсад билан олдига келганимни англади ва деди:

—Ҳозирги аёллар алла билишмайди, билса-ку айтишади, жон қизим! Масалан, сен ўзинг тўрт қатор алла айта оласанми?

Мен хижолат бўлиб, ерга қарадим. Тўғриси, алла билайман, лекин ўрганишим кераклигини момонинг танқидидан сўнг юракдан ҳис қилдим. Ва унинг тилидаги аллаларни эринмасдан ёзиб олдим. Булар нафақат менга, балки бирга ўқийдиган дугоналаримга ҳам асқотишини англадим.

Нигора САЛИМОВА,
талаба

ДАРОМАД МАЪКУЛМИ, НАТИЖА?

“Реал Сосьедад” раҳбарлари томонидан берилган баёнотга қараганда, жамоа мавсум оралиги даврида ўзининг икки хужумчиларидан бири — Эдгарас Янкаускас ёки Георгий Деметрадзени трансферга кўяди. Сан-себастьянликлар устози Джон Тошак бу истакни, хужум чизигидаги битта жойга бирданига икки легионерни ушлаб туриш катта харажатга тушаётганлиги билан тушунтирди.

БИР ТЎХТАМГА КЕЛИНМАДИ

“Милан” ҳамда “Ювентус” вакиллари ўртасида Филиппо Индзагининг трансфери муҳокамасига бағишланган музокараларнинг навбатдаги раунди бўлиб ўтди. Унинг якунидан сўнг шу нарса маълум қилиндики, Индзаги келаси мавсумдан Туринни Миланга алмаштиради. Бунгача томонлар 10 млн. долларлик қарама-қаршиликка дучор келишганди — туринликлар 40 млн. доллар сўрашган бўлса, миланликлар 30 млн.дан кечишга тайёр эдилар.



СОДИКЛИК РАМЗИ

Аргентина радиосига берган интервьюсида, яқиндагина ўзининг энг катта — “скудетто”ни қўлга киритиш — орзусига эришган “Рома” хужумчиси Габриэль Батистута, яшил майдондаги фаолиятини ватанида — собиқ жамоаси “Бока Хуниорс”-да яқунламоқчи эканлигини баён қилди. 2004 йилнинг июнь ойигача “Батигол” шартнома бўйича Италия чемпионига тегишли. Бу муддат тамом бўлгач эса, ўша вақтда 35 ёшга тўлагидан футболчи Аргентинага қайтмоқчи.

ХУЖУМЧИГА 14 МЛН.

Британия матбуотида хабар қилинишича, Испаниянинг “Ла Корунья” клуби “Арсенал”нинг нигериялик хужумчиси Нванкво Кану учун лондонликларга 14 млн. доллар таклиф этган. Ўтган пайшанбада, ла-коруньяликлар жамоаси президенти Аугусто Сесар Лендойро, гарчи аниқ фамилияларни келтирмаган бўлса-да, ҳақиқатан ҳам “майдон ичкарасидан кескин хужум қилишга ўта оладиган” ўйинчига эҳтиёж борлигини айтиб ўтди.

КУРАШНИНГ МИҚЁСИ КЕНГАЙМОҚДА

Пойтахтимиздаги “Шератон” меҳмонхонасида Осие кураш конфедерацияси ҳамда Ҳиндистон кураш федерациясининг Президенти Жагдиш Татлер билан журналистлар учрашуви ўтказилди. Матбуот анжуманида журналистлар Конфедерация фаолиятига доир ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

— Яқиндагина ўтказилган биринчи Осие чемпионатининг ҳаяжонли дамлари ҳали ҳам ёдимиздан кўтарилгани йўқ, — деди жаноб Жагдиш Татлер “Туркистон-пресс” муҳбирига. — Ўзбек курашнинг жаҳон миқёсига кўтарилиши барчамизнинг кўнгилмизга гурур бағишламоқда. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, бу борада Осие кураш конфедерацияси ташкилий масалалар юзасидан бир қатор ишлар олиб бормоқда. Эсингизда бўлса биринчи чемпионатдан сўнг, конфедерация ижроия қўмитасининг йиғилиши-

да халқаро кураш ассоциациясининг рухсати билан келаси йили Осиенинг 2-чемпионати Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида ўтказилиши келишиб олинган эди. Ҳозир мен ушбу чемпионатга тайёргарлик ишларини олиб боряман. Бундан ташқари қатор Осие давлатларида ҳам кураш федерациясини ташкил этияпмиз. Осиенинг 2-чемпионатига иштирок этувчи мамлакатлар сонининг яна ҳам ошиши ўзбек курашнинг осиеликлар қалби-га яқин эканлигидан дарак беради.

Шунингдек, матбуот анжуманига ташриф буюрган Ҳиндистонлик ишбилармон Вирендер Чопранинг таъкидлашича, Ўзбекистон ва Ҳиндистон тадбиркорларининг ҳамкорлигидан тушадиган фойда Осие кураш конфедерациясига ажратилади.

Фарангиз ХУДОЙБЕРДИЕВА

Биз 1980-85 йилларни яхши эслаймиз. Ўшанда Ўзбекистонда чим устида хоккей мусобақалари айни тараққиёт палласига кирган бўлиб, бу спорт тури бўйича аёллар ва эркаклар жамоалари бир неча ўнлаб нуфузли турнирларда муваффақиятли иштирок этишган эди.

Лекин вақт ўтиши билан бу спорт тури негадир бирданига рўйхатларимиздан тушиб қолди. Жамоалар тақдири, умуман, чим устида хоккей яшайптими-йўқми, ҳеч ким гапирмади. Яқинда эса кутилмаганда ажойиб хушxabар эшитиб, жуда қувондик. Яъни бу спорт тури бўйича ўсмирлардан иборат Ўзбекистон терма жамоаси хоккейимиз тарихида биринчи марта Малайзияда ўтказилган Осие чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб қайтишди. Терма

жамоамизнинг бош мураббийси, республикада хизмат кўрсатган мураббий Ринат Маматказиннинг айтишича, ўйинчилар асосан Андижондаги Олимпия ўринбосарлари билим

зия, Сингапур, Оман ва Бруней терма жамоалари ўзаро баҳс юритишган бўлса, “В” гуруҳи Япония, Корея, Бангладеш, Тайпей ва Ўзбекистон жамоаларини ўзи ичига олди.



юрти талабалари орасидан саралаб олинган.

Хуллас, Осие чемпионати ўйинларида 10 та давлатдан ташриф буюрган жамоалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда майдонга тушишди. “А” гуруҳида Ҳиндистон, Малай-

“Йигитларимизга Малайзиядаги мусобақаларда ўйинлар ўтказиш осон кечмади,— дейди терма жамоамиз бош мураббийси Р.Маматказин, —негаки, у ернинг иқлим шароити жуда паст. Кўпчилик ўйинчиларимиз турли касалликларга чалиниб қолаверишди. Лекин, биз ўйинни давом эттиришга мажбур эдик”.

Барибир қийин шароитда ҳам муваффақиятли баҳслар ўтказиб, финалгача ета олган ҳамюртларимиздан кейинги мусобақаларда шиддатли ўйинлар кўрсатишини кутиб қолишга ҳақлимиз.

Олимжон ХАЙИТОВ

| 18-ТУРДАН СЎНГ | | | | | | | |
|----------------|-------------|----|----|---|-----|-------|----|
| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О | |
| 1 | НЕФТЧИ | 16 | 14 | 2 | 0 | 50-12 | 44 |
| 2 | НАСАФ | 17 | 13 | 2 | 2 | 40-16 | 41 |
| 3 | ДЎСТЛИК | 15 | 9 | 3 | 3 | 34-17 | 30 |
| 4 | ПАХТАКОР | 13 | 10 | 0 | 3 | 30-13 | 30 |
| 5 | НАВБАҲОР | 17 | 10 | 0 | 7 | 31-24 | 30 |
| 6 | САМАРҚАНД-Д | 17 | 9 | 1 | 7 | 33-28 | 28 |
| 7 | АКАДЕМИЯ | 17 | 7 | 6 | 4 | 32-19 | 27 |
| 8 | БУХОРО | 16 | 8 | 1 | 7 | 30-31 | 25 |
| 9 | ҚИЗИЛҚУМ | 16 | 7 | 3 | 6 | 18-17 | 24 |
| 10 | ТРАКТОР | 17 | 7 | 3 | 7 | 27-27 | 24 |
| 11 | ЗАРАФШОН | 16 | 5 | 4 | 7 | 25-23 | 19 |
| 12 | АНДИЖОН | 16 | 6 | 1 | 9 | 31-31 | 19 |
| 13 | СЎҒДИЁНА | 17 | 5 | 3 | 9 | 19-27 | 18 |
| 14 | КИМЁГАР | 17 | 4 | 3 | 10 | 15-30 | 15 |
| 15 | МЕТАЛЛУРГ | 17 | 2 | 6 | 9 | 13-35 | 12 |
| 16 | ТУРОН | 16 | 3 | 3 | 10 | 8-30 | 12 |
| 17 | СУРХОН | 17 | 4 | 0 | 13 | 16-42 | 12 |
| 18 | СЕМУРҒ | 17 | 2 | 3 | 12 | 20-50 | 9 |

Бугунги суҳбатдошимиз Хайдар Раупов, ҳали энди 19 ёшда бўлишига қарамасдан, спортнинг самбо, дзю-до, миллий ва турон якка кураши бўйича халқаро ҳамда республикамиз миқёсида ўтказилган турнир ва мусобақалар голиби. У айни пайтда Тайлоқ олимпия захиралари касб-хунар коллежи талабаси.

Хайдаржон яқинда Бухорода бўлиб ўтган саралаш мусобақаларида муваффақиятли катнашиб, Осие ўйинлари учун йўлланмани қўлга киритибди.


—Хайдаржон, нега спортнинг бошқа турларини эмас, айнан самбони танлагансиз?

—Биласизми, ҳар бир инсонда бирор соҳага қобилият бўлади. Мендаги самбога бўлган қизиқишни отам пайкаб, коллежга етаклаб келганлар. Онам менинг машғулотларда қийналиб, жароҳатланиб қайтишимни кўриб, спорт билан шуғулланишимга қарши бўлган. Ҳозир эса қандай мусобақага отланмайин, биринчи ўринда онажоним оқ фотиха берадилар.

—Маълум бўлишича, сиз спортнинг миллий кураш, дзю-до, турон якка кураши турлари

бўйича ўтказилган мусобақаларда ҳам фахрли ўринларни қўлга киритган экансиз. Бу натижаларга эришиш қийин бўлгандир?

— Йўқ. Агар машғулотларда ўзингизга нисбатан талабчан, қаттиққўл бўлсангиз, рақибингизни енгиш осон кечади. Муҳими, хоҳиш ва мустаҳкам иродага эга бўлсан-



СУВДАГИ ҒАЛАБАЛАР

Москвада яқунланган сув полоси бўйича Россия очиқ чемпионатида наманганлик ҳамюртларимиз мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Айниқса, вакилларимизнинг дунёдаги энг кучли жамоалар — “Динамо” (Москва), ЦСКА ВМФ билан тенг курашгани, Молдова терма жамоасини мағлуб этгани шов-шувга сабаб бўлди. Ярим финал мусобақаларида иштирок этиш бахтига эришилмаган бўлса-да, Европа миқёсида илк бор қатнашган ёш спортчиларимиз натижаси таҳсинга лойиқдир.

да Тошкентда самбо бўйича Пахлавон спорт клуби соврини учун бўлиб ўтган мусобақада илк мартаба ғалабага эришганимга қадар фақат мағлубиятга учраганман. Барибир бир кун келиб мен ютаман, деб ўзимни ишонтирдим. Фолиблик пиллапояларидан одимлашимда мураббийларим Шавкат Жўраев ва Шохбоз Солиевларнинг беқиёс хиз-

Масалан, мен ҳам жангга тушишдан аввал ўзимни қандай тутишим кераклигини ўйлаб оламан. Яъни, кўз олдидан ўтказаман. Тугилиб, вояга етган юртимнинг шаънини ўйлайман. Шунда кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшилади, рақибимдан қўлим баланд келади. Айтиш мумкинки, спортчи қанча кучли бўлмасин, агар у ақлини ишлатмаса, мағлубиятга учраши муқаррар.

—**Ўқирган машғулотиңиз?**

—Одатда, бўш вақтим кам бўлади. Машғулотлардан бўшадим дегунча, боғдорчилик ишлари билан шуғулланаман.

—**Нимани ёқтирмайсиз?**

—Ёлғон гапириш ва ғийбат қилиш. Баъзи тенгдошларимнинг ичиб-чекиб юришларини ҳам ҳазм қилолмайман.

—**Орзуларингиз?**

—Келажақда ўқишимни олий ўқув юртида давом эттириш ниятим бор. Ўзим шуғулланадиган спорт турлари бўйича ўтказиладиган мусобақа ва турнирларда янада улкан муваффақиятларга эришсам, юртимиз довругини бутун оламга ёйсам, дейман.

Роҳила ОЧИЛОВА суҳбатлашди.

«ЮРТ ДОВРУҒИНИ ОЛАМГА ЁЙСАМ»

гиз бўлгани. Ёзувни қўлда ёзсангиз ҳам, машинка ёки компютерда терсангиз ҳам унинг мазмунини ўзгармайди. Спортда ҳам кураш турларининг бир-биридан фарқли томонлари билан бирга, уларнинг ўхшаш жиҳатлари оз эмас. Ана шу ўхшашликни ҳис қилсангиз, ҳеч қандай қийинчилик тугилмайди.

—**Мағлубият аламини ҳам тортганмисиз?**
—Бўлмасам-чи?! Мен 1996 йил-

матлари бор. Улар мени ўз устимда ишлашга шу даражада мажбур қилишардики, тўғриси, ўша пайтлари бундай машғулотлардан қутулиш учун бирор жойим синса хурсанд бўлардим. Энди эса устозларимдан чексиз миннатдорман.

—**Спортчи рақибини кўриб, ўзини қандай тутиши кераклигини режалаштириб олади, деган фикрга қандай қарайсиз?**
—Тўғри фикр, унга қўшиламан.

ОЛТИН «УРАЛ-ГРЕЙТ»ДА

Ҳа, ўз тарихида биринчи олтин медални қўлга киритган “Урал-Грейт” баскетбол жамоаси Россия биринчилигида шов-шув ясади. Тўққиз йиллик “якка ҳукрон” бўлиб мавсумларни ғалаба билан яқунлаб келган ЦСКА жамоаси бу йил медалларсиз қолди.

Сергей Белов мураббийлигидаги уралчилар ушбу мавсумда асосий эътиборни мамлакат ички чемпионатида қаратиб, адашмади. Армиячилар эса, Европа жамоалари ва мамлакат ичкарасидаги клублар билан баҳслашиш учун кучларни тақсимлай олмаган кўринади.






Хуллас, чемпионат финалчиси “УНИКС” “Урал-Грейт”-дан сўнг иккинчи ва “Локомотив” учинчи ўринларни банд этиб, ЦСКАга ҳурмат шоҳсупасидан жой қолдирмади.

Отабек МИРЗАРАҲИМОВ

Сирғали туманидаги 3-мактаб томонидан 1999 йилда Масалимова Румия Дамировна номига берилган 9-синфни тугатганлик ҳақидаги И-30 №: 022545 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Самарқанд Давлат университети жамоаси ўқув ишлари проректори Шавкат Маҳматмуродовга акаси **Нафас МАҲМАТМУРОДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

СЕВМАЙ БЎЛАДИМИ, ШУНДАЙ ВАТАННИ!



Суратлар муаллифи: Абдугани ЖУМА

Ma'rifat

ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими
вазирлиги, Ўзбекистон
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги, Таълим
ва фан ходимлари касба
уюшмаси Марказий
Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕК-
НАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ, Шўқур ЖОНБОЕВ, Фах-
ридин ҚАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБО-
НОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош му-
ҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМО-
НОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Уткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Қорхона манзилы «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари
масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарил-
майди. «Маърифат» дан материалларни қўчириб босиш тахририят
руҳсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий иш-
лар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Маърифат—Мададкор» нашриётида
терилди. Pentium компьютерида
Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Хулқар ТҮЙМАНОВА
Навбачи: Хусан НИШОНОВ

Газета Ўзбекистон Респуб-
ликаси Давлат Матбуот
Кўмитасида № 20 рақам билан
12 июнь 1998 йил рўйхатга
олинган.
ИНДЕКС: 149,150.
Г-2517. Тиражи 26.348.
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ,
Офсет усулида босилган,
қроғоз бичими А-3.

Босишга топшириш
вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00